**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”
“Диншунослик ва жаҳон
динларини қиёсий ўрганиш
ЮНЕСКО” кафедраси мудири
______ т.ф.н., доц. Н.Муҳамедов
“______”________2012 й.

Ғуломова Зилола Шаҳобиддиновна

Мавзу: **ҲИНДУИЙЛИКНИНГ ДИН СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Таълим йўналиши: 5220400 – Диншунослик

Бакалавр даражасини олиш учун тақдим этилган
битирув малакавий иши

Илмий раҳбар: т.ф.н., доц. Н.Муҳамедов
Тақризчи: фил.ф.д. Н.Низомиддинов

ТОШКЕНТ - 2012

**Мундарижа**

**КИРИШ……………………...……………………………………………...3**

**I БОБ. ҲИНДУИЙЛИК ДИНИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ОМИЛЛАР….8**

**1.1.** Ведалар - энг қадимий тарихий-маданий тўплам сифатида…………......8

**1.2.** Ҳиндистон жамиятида жайнизм динининг тутган ўрни......................16

**1.3.** Ҳиндуийликдаги йўналишлар ва оқимларнинг ўзига хослиги (Бҳактизм ва Сикхизм).........................................................................23

**II БОБ. ҲИНДУИЙЛИК ДИНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ ҲИНД МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ............................................32**

**2.1.** Ҳиндуийликдаги диний атамалар ва худолар таснифи......................32

**2.2.** Ҳиндуийликдаги диний маросимлар ва урф-одатларнинг ўзига хос хусусиятлари.........................................................................................40

**2.3.** Ҳиндистон динларини ўрганишда Абу Райҳон Берунийнинг тутган ўрни..........................................................................................................48

**ХУЛОСА.................................................................................................58**

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.......................................61**

**Илова.......................................................................................................66**

# КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Маълумки, биз ҳозир глобаллашув жараёнини бошимиздан кечирмоқдамиз. Бундан 20 йил аввалги “ғарб - шарқ”, “шимол - жануб”, “капиталистик – социалистик лагерь” каби тушунчалар аҳамиятини йўқотди. Худо бир бўлгани каби олам ҳам бир. Арабчада глобаллашув сўзи – “авлама”, айнан «олам»дан олинган. Шундай экан, жуда кўп қотиб қолган ақидалар, стреотиплардан воз кечишга тўғри келади. Хўш, шундай вазиятда биз қандай йўл тутишимиз керак? Авваламбор, бизнинг юртимиз доимо анъанавий диний бағрикенглик ўлкаси бўлиб келган. Минг йилдан ортиқ давр давомида уламоларимиз ҳам ҳукамоларимиз ҳам изчиллик билан «аҳли сунна вал жамоа»ни ҳимоя қилиб келишган. Бунинг натижаси ўлароқ минтақамизда бағрикенг ва маърифий ислом шаклланган. Шу сабабдан ҳам ўлкамизда бошқа динларга бўлган ҳурмат, бағрикенглик тамойиллари кенг ривож топди. Жуда кўплаб олимларимиз диншунослик соҳасида етарлича тадқиқотлар олиб бордилар. Улардан бири диншунослик соҳасига тамал тошини қўйган йирик мутафаккир олим Абу Райҳон Берунийни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: “Миллий тарихимизнинг ёрқин вакили Абу Райҳон Беруний фаолиятига ҳаққоний баҳо берар экан, америкалик фан тарихчиси Сартон XI асрни “Беруний асри” деб таърифлайди. Бундай юксак ва ҳақли баҳо аввало қомусий тафаккур соҳиби бўлмиш буюк ватандошимизнинг илм-фан тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси билан изоҳланади. Таъкидлаш жоизки, Беруний илмий масалаларда ҳам, тарихий воқеа-ҳодисаларга, ўз замондошларига баҳо беришда ҳам ўта холислик ва ҳаққонийлик билан фикр юритган”[1].

---

[1] Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. -Т.: Ўзбекистон. 2007.
-Б.4.

Дунё динлари тарихини ўрганар эканмиз, ҳинд диёрининг диний фалсафий жиҳатлари инсонни ўзига жалб этиши табиий холдир. Тарихий нуқтаи назардан олиб қараганимизда Ҳиндистон халқининг диний қарашлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Араб манбаларида ҳинд динларига доир дастлабки хабарларни VIII асрнинг иккинчи ярми ва IX асрнинг бошларида ҳукмронлик қилган Яҳё ва Холид даврларига тегишли эканлиги қайд қилинган. Бу хабарларда, шунингдек, арабларнинг босқинчилик урушлари натижасида олдин Умавийлар, кейин 750 йили барпо бўлган Аббосийлар халифаликлардаги қадимдан ҳиндлар билан алоқада бўлиб, уларнинг бой маданиятидан бохабар бўлган Олд ва Ўрта Осиё халқлари ҳам тилга олинган.

Маълумки, бирон бир динни ўрганиш учун албатта, биз турли хил манбаларга мурожаат қиламиз ва улар орасидаги зиддиятларга дуч келамиз. Кўплаб олимлар динларни ўрганиш жараёнида уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини ўрганиб, таҳлил қилишган. Агар ҳинд, насоро ёки мусулмон илм ва ижод аҳли фаолияти тарихига назар солсак, улар орасида турли динларнинг ўзигагина хос ва шу билан бирга улардаги умумий фалсафий жиҳатларни таҳлил ва тавсиф қилган зоти шарифлар ўтганлигининг гувоҳи бўламиз. Шулардан "IX асрда яшаган Ёқубий, ўзининг асарида насороларнинг муқаддас китоби мазмунини ниҳоятда самимий тарзда аниқ ва атрофлича баён қилган". XI аср охирларида эса Ғазнавийлар саройида форс тилида "Динлар ҳақида китоб" ёзилган. Динларнинг муштараклиги масаласида, айниқса, Абу Райҳон Берунийнинг хизматлари ўзининг илмий қиймати билан алоҳида эътиборга эга. Нафсиламр аллома "Ажойибул ҳинд", "Аҳволул ҳинд" ёки "Тарихул ҳинд" деб турлича номланган "Ҳиндистон" асари билан қарийб минг йил муқаддам ўзбек ҳиндшунослигининг тамал тошини қўйган биринчи ҳиндшуносдир. Унинг ҳинд дини, фани ва маданияти бўйича узоқ йиллар давомида олиб борган изланишлари, санскрит тилидаги манбалардан қилган таржималари, Ҳиндистон диний-фалсафий, маданий-

маърифий тафаккурини дунёга танитишда беқиёс рол ўйнади. Дарҳақиқат, “Арабларнинг сиёсий ҳукмронлиги остидаги ислом тарқалган сарҳадлар ёки улар билан чегарадош мамлакатларда бирор ҳалқнинг динига бағишланган ҳеч бир асар йўқки, уни Берунийнинг “Ҳиндистон” асари билан таққослаш мумкин бўлса. Мазкур асарга юнон дипломати Мегосфен ёки айтайлик, хитойлик буддапараст роҳиблар Фа Сянем, Сун Юнем ва Сюан Цзанларнинг ёзиб қолдирган “Ҳиндистон тавсифи” манбаси ҳам бас келолмайди”.

Одатда, Беруний ҳар бир диний эътиқоднинг ўз тақво аҳлигагина маълум бўлган томонлари тўғрисида сўзлаганда, унинг хулосаларидан, бир диндаги тадқиқотчи учун бошқа эътиқоддаги зиддий ва муаммоли туюладиган жиҳатларига беғараз назарда қараш кераклигига даъват сезилади. Филология фанлари доктори Н.Низомиддинов таъкидлаганларидек, таҳлилнинг бундай прогресив услубини ўзлаштиришда, диншуносликнинг “дин қачон, қандай ва нима сабаблардан пайдо бўлган”лиги ҳақидаги илмий-назарий хулосалари ҳамда ҳинд динларида сақланиб қолган политеизм билан боғлиқ ибтидоий диний унсурлар – культ (топиниш), атрибут (аломат) ва ритуаллар (диний маросимлар) тарихи билан қисман танишиб чиқиш, фойдадан ҳоли бўлмайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунга қадар ушбу мавзу юзасидан жуда кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Ҳиндистон маданияти, дини ва урф-одатлари жуда кўплаб олиму мутафаккирлар фикрини ўзига тортган. Жумладан, юртдошимиз машҳур қомусий мутафаккир олим, Абу Райҳон Беруний биринчилардан бўлиб Ҳиндистон маданияти, дини ва урф-одатларини ўрганган ва барча маълумотларини “Ҳиндистон” асарида баён этган. Мустақиллик йилларида ҳам юртимизда Ҳиндистон тарихи, маданияти, дини бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилди. Шулардан бири, университетимиз фахрий устози, филология фанлари доктори Н.Низомиддинов ўз

тадқиқотларида Ҳиндистон динлари бўйича залворли маълумотлар тўплаб, муҳим тадқиқотлар олиб бордилар. Булардан ташқари ушбу мавзу юзасидан хорижда хам етарлича тадқиқотлар амалга оширилган. Шулардан: Л.Б. Алаев[2], М. Ф. Альбедиль[3], Амала Бхакта[4], С. Атаев[5], Ауробиндо Гхош Шри[6], А. Беди[7]ларни шулар қаторига қўшсак муболаға бўлмайди. Бундан ташқари дунёнинг тўрт юздан ортиқ олимлари ҳинд динлари тарихи, таълимотлари хақида тадқиқотлар олиб борганлар.

**Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари.** Ҳиндуийлик дининг тарихи, урф-одатлари, маросимлари ва йўналишлари билан яқиндан танишиш ва ушбу мавзу юзасидан олиб борилган тадқиқотларни таҳлил этиш. Шунинг учун қуийдаги вазифалар белгилаб олинди.

- Ҳинд маданиятида ведаларнинг тутган ўрнини илмий-назарий ва тарихий таҳлил этиш;
- Жайнизм динининг тарихий илдизларини ўрганиш ва унинг ҳинд маданиятига қўшган хиссасини тадқиқ этиш;
- Ҳиндуийликда диний атамалар ва худолар таснифини ўрганиш;
- Ҳиндуийликдаги диний маросимлар ва урф-одатларни илмий нуқтаи назардан ўрганиш.

Тадқиқотда илмий таҳлилий, тарихий, қиёсий, хронологик методлардан кенг фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг аҳамияти.** Битирув малакавий ишининг тадқиқот кўлами ва объектини ўрганиш нуқтаи назаридан ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, ҳиндуийлик дини диншунослик нуқтаи назаридан илмий назарий тадқиқ этилди. Ҳиндуийлик дини бўйича амалга

---

[2] Алаев Л.Б. Такой я видел Индию. – М.: Наука, 1971.
[3] Альбедиль М. Ф. Забытая цивилизация в долине Инда. - СПб: Наука, 1991.
[4] Амала Бхакта дас. Махабхарата. Мистические истории. – М.: Философская книга, 2008.
[5] Атаев С. Путешествие в Индию. – Ашхабад, 1958.
[6] Ауробиндо Гхош Шри. Основы индийской культуры. Т.8. – СПб: Адити, 1998.
[7] Беди А. Боги и богини Индии /пер с англ. – М.: МК – Периодика, 2001.

оширилган илмий тадқиқот ишлари комплекс тарзда ўрганилиб, тадқиқ этилди. Мутафаккир аллома Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон” асари илмий назарий таҳлил этилди. Хорижий адабиётларда ҳиндуийлик дини хақидаги маълумотлар қиёсий таҳлил этилди. Ҳиндуийликни ўрганишда бажариладиган ушбу ишлар ҳиндуийлик дини хақида комплекс маълумотга эга бўлиш имкониятини беради.

**Битирув малакавий ишининг таркиби.** Битирув малакавий иши кириш, икки боб, олти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

# I БОБ. ҲИНДУИЙЛИК ДИНИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ОМИЛЛАРИ

## 1.1. Ведалар - энг қадимий тарихий-маданий тўплам сифатида

Ҳиндуийлик динининг муқаддас китоблари санскрит тилида ёзилган бўлиб, бу муқаддас китоблар коллекциясининг бошида "Веда"лар туради. Веда "илоҳий билим", "маълумот" деган маъноларини билдиради. Аслида Ҳиндуийликнинг вужудга келиши ва дин сифатида шаклланишида ведалар муҳим ўрин тутган. Машҳур рус ҳиндшунос олими Алексей Майдановнинг фикрига кўра ведалар асри ўз ичига уч даврни олади:

1. Ибтидоий фикрларнинг ёйилиши ва табиат кучларига сиғиниш даври. Бу давр мил. авв. XV асрдан бошланади. Ведаларда бу давр ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган.

2. Ведаларнинг китоб шаклига келтирилиши ва брахманлар томонидан шарҳланиши даври. Бу давр тахминан мил. авв. VIII асрлардан бошланади. Бу даврда дин ишлари билан машғул бўлган, эътиқод асослари ҳақида қайғурган илм ва фикр эгаларидан иборат кўпгина жамоатлар юзага келган. Уларнинг фикр ва мулоҳазалари қадимдан мерос қолган фалсафий таълимотларга ўзгачаликлар олиб келиб келган бўлиб, бу мазҳаб брахманлардан ташкил топган. Брахманлар бу шарҳларида ўзларига оид чексиз имконият ва имтиёзларни муқаддаслаштириш мақсадида фойдаларини кўзлаб иш тутганлар. Кейинчалик улар ўзлари ва асл маҳаллий халқ орасидаги алоқа боғлари кундан кунга заифлашиб бораётганидан ташвишга тушганлар ва кишилар орасини ажратиб турувчи табақалар низоми (каста тизими) ни ишлаб чиққанлар. Мана шу даврга келиб ҳали мавжуд бўлмаган Ҳиндуийликга аста-секинлик билан пойдевор қўйила бошлаган[8].

Муқаддас китоблардаги ведаларни умумлаштирувчи Упанишадлар даври бўлиб, бу давр мил. авв. VI асрга бориб тақалади ва милоддан кейинги бир неча асргача чўзилади... У тасаввуфий оқимларнинг сир асрорлари ва шахсий мушоҳадаларини ўз ичига олади. У ботиний ҳаётга берилган ва зоҳирини улоқтирган руҳонийлар ва таркидунёчиларни

---

[8] Майданов А. Философия Индии. Древнеиндийская философия. Сборник. -Москва., 1972. -С. 123.

иршод қилиш учун тартибга келтирилган. Упанишадлар руҳий-маънавий йўл бўлиб, бу диний такомиллик занжирининг энг юқори мартабаси ҳисобланган[9].

Ҳиндистоннинг энг эски муқаддас матнлари бўлмиш ведалар 4та бўлимдан ташкил топади:

Ведаларда илоҳийлар қўшиқлар, дуолар, яшаш қоидалари, тилсим ва сеҳр каби мавзулар жой олади. Ведаларнинг “Риши” деб номланувчи ғайритабиий кучлар билан алоқада бўла олувчи кишиларга “ваҳий” қилинганлигига эътиқод қилинади.

Ҳинд муқаддас китоблари **“Ваҳийга таянувчи”** (Шрути) [10] ва **“Достоний”** (Смитри) бўлишига қараб икки қисмга ажралади. Ведалар булардан биринчисига киради.

Юртимиз ҳиндшунос олими Н.Низомиддиновнинг фикрларига кўра, ҳинд дининг ибтидоий номи «варнашрама» бўлиб, бу атама мазмунан ҳинд жамиятининг маънавий ва ижтимоий жиҳатдан тўрт табақага бўлинишини билдиради. Қадимдан бу ўлкада табақа тизими замирида шаклланган диний–ижтимоий муносабатларнинг жамиятда чуқур илдиз отганлигининг сабаби ҳам шунда.

Ҳинд диний эътиқодининг дастлабки манбаи веда ўз моҳияти билан ҳар бир ҳинд учун табиатнинг инсон ақли бовар қилмайдиган қудратли кучлари иродасига бўйсуниш, уларни эъзозлаб марҳаматига ноил бўлиш учун қурбонликлар қилиш кераклиги ҳақидаги тароналардан таркиб топган диний қомусдир. Бу «илоҳий пайғом»ни қуйи табақа вакилларидан сир тутилиши махсус кўрсатмаларда уқтирилиб, уларни сўзсиз бажарилиши қатъиян талаб этилган. Ведани ўрганиш ва ўргатиш тўғрисидаги шартларнинг жамиятдаги устуворлиги Беруний назаридан

---

[9] Доктор Аҳмад Чалабий.Адёнул Ҳиндил Кубро. –Қоҳира.,1983.-Б.39-48.

[10] Маҳобҳарата ва Рамаяна достонлари, Ману қонунномаси, Пураналар шу қисмга киради… Маҳабҳарата достони 240000 жумладан ташкил топади. У дунёдаги энг узун ҳисобланади. Рамаяна достонига келадиган бўлсак, унинг Риши Валмики томонидан ёзилганлиги айтилади. Унинг мил.авв. IX-асрда ёзилганлиги тахмин қилинади. Бу достон, Тангри Вишнунинг аватараси бўлган Раманинг ҳаёт ҳикоясидир. 24000 байтдан ташкил топади. У Тулсидас томонидан шарҳ қилинган.

ҳам четда қолмаган[11].

Ведалар (таркибан) фармойишлар, таъқиқлар, рағбатлантириш, қўрқитиш, мукофот ва жазо (ҳолатлари)ни ўз ичига олган. Уларнинг катта бир қисми ҳамду сано ҳамда мушкул ва санаб адоғига етиб бўлмас олов-оташга ташланадиган қурбонликлар (ҳақидаги кўрсатмалар)дан иборат. Ҳиндлар ведаларни фақат муайян оҳангларга солиб куйлаш вожиб бўлганлиги учун уни ёзиб олиш ман этилган, деб ўйлайдилар. Зеро, улар қаламда ёзилган матн (асл) мазмунни ифодалашга ожизлигидан, яъни бирор нарсани қўшилиб кетиши ёки тушиб қолишидан қўрқадилар»[12].

Ривоятларда, ведаларни оғзаки ўзлаштирилишининг асосий сабаби қилиб, қадимда одамларнинг бағоят ақлли, хотиржам, кучли бўлгани туфайли, бир бор эшитганини эсда сақлаб қолиш қобилияти зўрлигидан матнларни ўқиб ўрганишга ҳожат бўлмаганлиги билдирилган. Бу гапда жон бор, албатта, диний манбаларни ёд олиш одати кейинги динлар, жумладан, исломда ҳам кузатилган:

Шайх Исмоил Маҳдум ўзининг “Тошкентдаги усмон мусҳафининг тарихи” номли китобида қуйидаги маълумотни келтиради.: «Расулуллоҳ ва мўъминлар Қуръондан бирон бир оят йўқолмаслигига ишончлари комил эди. Бунда ёзишдан кўра ёд олиш қобилиятига эътимод қилинарди. Араблар ўзларининг муҳофаза кувватларига жуда ишонар эдилар... Шунинг учун ҳам улар Қуръондан нимаки нозил бўлса, дарҳол дилларига жо этардилар. Саҳобаларнинг Қуръонни ёд олишга бўлган завқу шавқларига далолат қиладиган хабарлар кўп»[13].

Ведани биринчи бор Вясадева калиюг – охирзамон одамлари учун ёзма равишда қоғозга туширган. Кейин эса, у саводхон оиладан чиқадиган зиёлиларнинг ақл–заковати имкониятларини ҳисобга олиб, ведаларнинг туб мағз-мазмунини тушунишга ёрдам берувчи «упанишадлар», «пуранлар» ҳамда

[11] Низомиддинов.Н. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом. –Т.: ЎзРФА Давлат Адабиёт музейи, 2006.- Б.88

[12] Абу Рейхан Беруни. Индия. Избранные соч. IIт. Т. 1963. – С.116.

[13] Шайх Исмоил Маҳдум. Тошкентдаги Усмон Мусҳофининг тарихи/Арабчадан Исмоил Маҳдум ўғли таржимаси. –Т.: Мовароуннахр, 1995.- Б.216.

Буюк Бҳаратлар тарихига бағишланган Маҳабҳарата сингари манбаларни яратган. Шунингдек, у ўз устози Нараданинг ихтиёри билан Унинг табаррук оғзидан «Веданта–сутра - Ведаларнинг сўнгги сўзи»ни ёзиб олган» [14] . «Веданта–сутра»ни ёзилишининг иккинчи бир жиҳати «Бҳагавад–гита»да батафсил берилган бўлиб, унда «Ведаларнинг тафсири» мақомидаги асарларни нима учун тартиб этилганлиги эслатилган:

«Унутувчан зотлар ёки шартли руҳлар (одамлар) моддий дунё фаолиятига берилиб кетиб, Олий тангри билан ўз ибтидоий алоқаларини йўқота борадилар. Худди ўшаларнинг тафаккур қувватини қайта руҳий оламга жалб қилиш учун Кришнадваннаяна Вяса ўзидан веда адабиётига тааллуқли қуйидаги асарларни қолдирган:

«У аввал ведани тўрт қисмга бўлиб, уларнинг моҳиятини пуранларда тушунтирган. Нисбатан иқтидори паст кишилар учун Бҳагавад–гитанинг бир қисми бўлмиш Маҳабҳарата эпосини ёзган. Шундан сўнг веда адабиётини Веданта–сутрада умумлаштириб, уни келажак авлодлар тушуниб етишлари учун Шримад–Бҳагавад номи билан тафсирлаган». Дарвоқе, веда адабиётининг аҳамияти наинки фақат диний маънода, балки ҳинд фалсафаси, ҳуқуқшунослиги, психологияси, этика ва эстетикаси, табиати, тили, урф–одатлари ҳамда ижтимоий ҳаёт шаклларини илмий тадқиқ этишда ҳам ниҳоятда муҳим. Вясадева томонидан тўрт қисмга бўлинган веда одатда қуйидаги ном ва таркибда шарҳланади:

1. Риг Веда – Тангриларга нисбатан таъзим-улуғлаш учун ёзилган 1017 та илоҳийдан ташкил топади. Ҳар бир илоҳий 10 га яқин “оят”дан иборат. Бу илоҳийлар ўнта китоб (Мандала) га бўлинади. Уларнинг ичида энг узуни биринчиси ва ўнинчисидир. Энг узуни 191; энг қисқаси 43 та илоҳийни ўз ичига олади. Риг Ведада ўзига хос бир адабий вазн мавжуд бўлганлиги учун баланд овозда ўқилади. У ведалар ичида энг муҳими ва қадимийси ҳисобланади. Бу веда шукр ва истак, улуғлаш ва баддуо шаклидаги дуоларни

---

[14] Низомиддинов.Н. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом. –Т.: ЎзРФА Давлат Адабиёт музейи,-Б.34.

ўз ичига олади[15].

2. Сама Веда – (Мелодий) Назмлар ведаси бўлиб, унинг матни уч шаклдадир. Улардан биринчиси Риг Ведадан олинган “оят”лардан, иккинчиси турли хил мавзулардаги “оят”лардан ва учинчиси роҳиблар ўқийдиган назмий илоҳийлардан иборатдир. У қурбонлик маросимида роҳиблар томонидан ўқилади.

3. Яжур Веда – Қурбонлик маросими кўринишлари билан алоқали ведадир. Қора веда ва Оқ веда шаклида икки қисмга бўлинади. Баъзи қисмлари назм, баъзи қисмлари эса наср шаклида ёзилган бўлиб, қурбонлик билан боғлиқ сўзлар ва дуоларни ўз ичига олади. Бу илоҳийлар қурбонлик асносида, паст овозда, минғирлаб айтилади.

4. Атхарва Веда–Космик (коинот билан боғлиқ), мистик парчалар ва сеҳр билан алоқадор дуолардан иборат. Брахманлар, бу матнларни ҳаётнинг турли даврларида ўқиш мажбуриятидадирлар. У бошқа ведалардан кейинги даврларда ёзилган. Бундан ташқари у 730 та илоҳийни ўз ичига олувчи бир коллекциядир. Халқ ишончлари, донишмандлик ва сеҳргарлик каби мавзуларда маълумотлар беради. Бу китоблар Ҳиндистоннинг 3500 йиллик тарихини ёритиб беради.

1. Риг Веда жанг пайтида айтиладиган шеърлар мажмуидир. Авестодаги баъзи бир жиҳатларни Риг Веда очиб беради.

2. Сама Веда қўшиқлар ведаси бўлиб, Сама Веданинг 75% и Риг Веда билан бир хил.

3. Яжур Веда қурбонликлар пайтида айтиладиган шеърларни ўз ичига олади.

4. Атхарва Веда баъзи пайтларда худоларга нисбатан сеҳру-жоду қилиш эътиқодини ўзида мужассамлаштиради.

---

[15] Низомиддинов Н. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом. –Т.: ЎзРФА Давлат Адабиёт музейи, 2006. -Б.28.

**Ману қонуни:** милоддан аввалги III асрда ишлаб чиқилган. Ушбу қонун ведаларда баён қилинган Ҳиндуийлик таълимоти, асослари ва аҳкомларига оид бўлган шарҳ ва изоҳларни ўз ичига олади.

Шунингдек, ведаларда тажрибадан ўтган ҳаёт ҳақиқатлари, инсон ва дунё ўртасидаги муносабатлар, панду насиҳатлар, турли–туман ривоятлар ва бошқа фалсафий мавзулар ўрин олган.

Дин ва фанда веданинг пайдо бўлишига доир икки хил фикр бор, яъни: агар баъзи европалик тадқиқотчилар «Ведани одам боласи ижоди» дея уни эрамиздан аввалги иккинчи ва биринчи мингйилликлар оралиғида ёзилганлигини тахмин қилсалар, ҳинд олимлари «Бу муқаддас калом илмидан аввал бошда Тангрининг илк яратган тирик зоти Браҳма хабардор қилинган, ундан кейин у ўз билганларини Нарада ва шогирдларига, улар эса ўз навбатида ўқувчиларига етказганлар. Веданинг нозил бўлишига доир мазкур маълумотлар Бҳагавад–гитада ҳам тасдиқланган»[16].

Шундай қилиб, веда оғзаки тарзда бир авлоддан иккинчисига ўтиб келаверган. Аниқроғи, манбанинг иккинчи номи «шрути–тингловчи» бўлганлиги учун, уни фақат диний илмларнинг билимдони браҳманлар оғзидан эшитиш йўли билан ўзлаштирилган.

Модомики сўз ведизм тарихи ва фалсафаси ҳақида борар экан, шуни ҳам унутмаслик керакки, бу эътиқоднинг ҳинд маънавий, маъмурий–ижтимоий ҳаёти мазмунига айланган қонун–қоидаларининг мингйилликлар мобайнида ўз тамойилларида содиқ бўлганлиги, ҳинд жамиятида табақа тизимининг барқарорлигига асосланган. Диний манбаларда табақа тизимининг таркиби мажозан Браҳма танасидаги тўрт аъзога қиёсан вужудга келганлиги айтилган, улар асосан: оғиздан браҳманлар, қўлдан кшатрийлар, сондан вайшиялар ва оёқдан шудралар пайдо бўлган.

[16] Низомиддинов.Н. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом. –Т.: ЎзРФА Давлат Адабиёт музейи, 2006.-Б.32.

Табақа тизими мажозан ҳар бир ҳинд ҳаётининг тўрт асосий йўналиши бўлиб, уларнинг ҳар бирида инсонларнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеига қараб, турмуш тарзи, тоат ибодати, хулқ атвори, юриш туриши каби амаллари мужассамланган. Амалдаги тўрт табақа вакилларининг юқори поғоналари, ўз наслининг тўлақонли аъзоси бўлиши учун албатта браҳманлар қўлида таълим-тарбия кўришлари шарт бўлган. Шу боисдан олий насаб оилада чақалоқ туғилишидан бошлаб бажариладиган мажбурий маросимлар, одатда бола ўсиб балоғат ёшига етгач, унинг билагига ўз табақасининг махсус боғичи боғланиши билан якунланган. Фақат шундан кейингина юқори табақа кишилари ўз диний–ижтимоий ҳуқуқларига тўла–тўкис эга бўлишга ҳақли ҳисобланган. Бинобарин, юқори табақа вакилларининг туғилиши икки маротаба нишонланган: биринчиси, жисмоний, иккинчиси, маънан юксалишдан кейинги руҳоний.

Табақа тизими мавзуси дунёнинг кўплаб ҳиндшунос олимлари назарида бўлиб келган. Ҳиндистон ва хорижда чоп этилган рисола ва мақолаларда билдирилган олимларнинг фикрлари, хулосалар, ҳали бирор умумий тўхтамга келмаган. Тўғри, масалани инкор этиб бўлмайдиган объектив ва субъектив томонлари бор. Уларнинг бири, табақаланиш сингари инсоннинг яратилишидан ҳуқуқларини поймол этувчи тамойилни диний асосда расмийлаштирилгани бўлса, иккинчиси, табақа тизимини ҳинд жамияти ҳаётининг пойдевори сифатида қонунан амалда жорий қилинганлиги. Масалан, Ҳиндистоннинг собиқ Бош вазири Жавоҳирлал Неҳру таърифича, «Табақа тизими орийларнинг ерлик аҳоли билан аралашиб кетмасликлари ва ўзларининг забт этилган ирқдан алоҳида нуфузга эга эканликларини сақлаб қолишга бўлган интилишлари оқибатида юзага келган»[17].

[17] Ўша асар.- Б.44.

Фикримизча, бу таърифнинг тарихий асослари орийларнинг ҳинд ерига қачон, қаердан келганлиги ва улардан муқаддам мавжуд бўлган маҳаллий ҳинд цивилизацияси анъаналарини билмай туриб, умуман табақаланиш ибтидоси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш қийин. Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, аксарият тадқиқотчилар «орийларнинг ватанини Қора денгиздан шимолга томон чўзилган чўллик ерлар, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг жамияти эрамиздан аввалги учинчи мингйилликда таназзулга учраб, ўша пайтлардан бошлаб орий қабилалар Болқон, Кичик Осиё ва Ўрта Осиёга тарқалиб, шундан кейин Ҳиндистонга юриш қилганлар». Аниқроғи, орийлар жамоаси иккинчи мингйилликка келиб бўлиниб кетиши билан бир қисми Эрон ва Ўрта Осиёда қолган, бошқа бир қисми ўз йўналишида давом этиб Ҳиндистонга келган. Демак, ҳинд ва эронликлардан ташкил топган «ҳинд–эрон этник жамоаси» ҳам шу даврга тааллуқли бўлиши керак. Буни улар тилларининг ўзаро яқинлиги, Қуёш худоси – «Суря» ва Аҳд муқаддаслиги рамзи «Митра» худоси ёхуд хос маросимларда сармаст этувчи «сома» ичимлигининг истеъмол қилиниши ҳам далиллайди. Ўша даврдан ҳинд–эронийлар орасида «Аря - асл насл» маъносидаги атаманинг қўлланиши кенг тарқалган эди. Шу боис бўлса керак, «қабилалар иттифоқида раҳбарлик лавозимини эгаллаган олий насабли кишилар ўзларини «орий» деб атаганликлари тахмин қилинади.

«Орийлар дастлаб Ҳиндистонга келганларида уч ижтимоий гуруҳга бўлинганлар: аристократлар, руҳонийлар ва оддий халқ. Бу вақтларда ҳали улар орасида расман табақаланиш бўлмаганлиги учун касб–ҳунарни бир авлоддан иккинчисига ўтиши ёки оила қуриш масаласи, кейинги даврлардагидек кишиларнинг ўзаро тенглигига таъсир кўрсатмаган. Машҳур ҳиндшунос олим М. Альбедильнинг таъкидлашича ҳинд диёрида насл-насабга қараб бўлиниш соҳасида қўйилган биринчи қадам, бу – орийларнинг «дос»лар, яъни қуллар билан аралашиб кетмаслигига

қаратилган эди[18]. Ҳолбуки, табақа тизимининг илк бўсағасида, ҳатто, браҳманлар ҳам подшоҳ ва жангчи кшатрийлардан кейин турганлар. Бироқ, дин раҳнамолари шароитга қараб қўл қовуштириб ўтирмай, тез орада жамиятда энг юқори поғонага эгалик қилиш мақсадида нафақат подшоҳга илоҳийлик мартабасини берилишига зимдан йўл қўймадилар, балки тизимни диний томондан ижтимоий табақаларга бўлиниши кераклигига ҳам эришдилар[19]. Даврлар ўтиши билан ҳинд зиёлилари ва давлат арбоблари томонидан табақа тизимига хос баъзи тамойиллар доим ҳам қўллаб–қувватланмаган, хусусан шудраларнинг жамиятдаги ўрни ва фаолияти масаласи.

«Халқимизнинг - деб ёзган эди, Маҳатма Ганди, - бешдан бир бўлагини ташкил этувчи қуйи табақа вакилларининг бошқалар билан ўзаро тенг муносабатда бўлиш ҳуқуқини тан олсак, бу билан биз Тангрини инкор этмаймиз–ку!»[20].

Айни шу руҳда яратилган адабиёт ва санъат асарларида кўрсатилган ғоялар, ҳинд диёрида умуминсоний тенглик тарғиботи борасида ҳозирги кунга қадар асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

### 1.2 Ҳиндистон жамиятида жайнизм динининг тутган ўрни

Ҳиндистон хақида гап кетар экан, биз албатта ушбу жамиятни жайнизм динисиз тасаввур қила олмаймиз. Ҳиндшуносларнинг фикрига кўра жайнизм дини тарихига одатда икки хил ёндашилади. Биринчиси, мазкур таълимот асосчилари - 24 «тиртҳанкар»ларнинг дастлабкиси Ришабҳандан то сўнггиси Вардҳаманга қадар ўтган даврлардаги ўзаро мантиқий узвийлик масаласи. Иккинчиси, жайнизмни мустақил эътиқод эмас, у асрлар давомида ҳинд динида рўй берган ўзгаришлар натижасида юзага келган таълимот деган хулосадан иборат. Пайдо бўлган вақтида, оғзаки анъаналарга асосланган жайнизм, ҳинд манбаларида

[18] Альбедиль М. Индуизм. Главная религия Индии. – СПб: Питер, 2006. – С.208.
[19] Белеев А. Касты Индии. –М.: Наука, 1965. -С.74.
[20] Ганди М. Моя жизнь. М.: Наука, 1969.- С.22.

кўрсатилишича, тахминан мелоддан аввалги III асрда ёзма шаклга ўтган бўлиб, унинг охирги манбалари матни милоднинг V асрида якунланган[21].

Жайнизмга бўлган бу икки хил муносабатдан ташқари, яна шундай учинчи бир нуқтаи назар ҳам борки, унда бу таълимотга диний фалсафа сифатида қаралиб, бундай хулосанинг ўзига хос сабаблари ҳам мавжуд эди.

Гап шундаки, милоддан аввалги IX–VIII асрларда Ҳиндистоннинг шимолида мустаҳкам ўрнашиб олган ведизм кейинчалик жамиятнинг моддий ва маънавий талаблари билан кескин тўқнашувга учради. Мифология, чалкаш ва кичик маросимлар, удумлар, роҳибларнинг деярли чексиз имтиёзлари бора-бора ҳинд маданияти нормаларига тўғри келмай қолди. Буни биринчи бўлиб, диний амалларни тарғиб қилувчи арбобларнинг ўзлари пайқадилар. Уларнинг яқинлашиб келаётган муаммолар олдини олишга бўлган уринишлари, упанишадларда ўз аксини топган диний–фалсафий қарашнинг парвози билан тугалланди. Шундан бошлаб, ибтидоий эътиқодни янгича талқин этувчи ва давр руҳига тўла жавоб берувчи радикал ислоҳотлар, Ҳиндистон шароитида уч йўналишда – Браҳман, Жина ва Будда таълимотлари таъсирида шаклланди». Лекин шу қатори, бу ислоҳотларга туртки бўлган ҳар уч йўналиш ўз парадоксал жиҳатларига ҳам эга эди[22].

Мисол учун, жайнизм 24 тиртҳанкарлар силсиласи билан қадимий динлардан эканлигига даъво қилса ҳам, аммо айтганимиздек, бошқа диний тизимлардан ўз асосчилари ўртасидаги ғоявий бардавомликнинг йўқлиги билан фарқланарди. Таълимотнинг сўнгги ва энг йирик тарғиботчиси Вардҳаманга «ваҳий»нинг келиши, гўё унинг ўз эътиқоди йўлида кўрсатган шахсий фидойилиги шарофатидан содир бўлган. Яъни, «Ўн икки йилдан зиёд дарвешлик қилган Вардҳаман руҳиятида шаҳвоний ҳиссиётдан покланиш истагининг устун келганлиги, унинг «қалб кўзи»ни

[21] Ramila Thapper. A Short History of India. Penguin books. 1990. –P.64.

[22] Низомиддинов Н. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом. –Т.: ЎзРФА Давлат Адабиёт музейи, 2006. -Б. 38.

очган. У шундан сўнг ўз таълимотини атрофида йиғилган ўқувчи–роҳиблар билан оддий халқ орасида тарғиб қилишга киришган». Ва янги диннинг тарғиботи Ганг водийсидан бошланиб, Ҳиндистоннинг ғарбий вилоятларигача етиб борган.

Жайнизм фалсафий таълимотида бутун борлиққа чексиз давом этувчи жараён объекти сифатида қаралади: у пайдо бўлади, ўз тараққиёт мезонига кўтарилади, аста–секин емирилади, сўнг тугаб яна қайтадан яралади. Худди шу каби инсон ҳам туғилади, куч–кувватга тўлади, кексаяди, ниҳоят ўлади ва яна қайта дунёга келади. Динда нирванага муяссар бўлиш бахти илоҳларга ҳам худди инсон каби қайта туғилишлар орқали насиб этади. Зеро, таълимотга кўра, одам боласи ҳам комил тақво ва мустаҳкам иродаси билан илоҳлар мақомига эга бўлишга ҳақли. Шунинг учун жайнпарастларда ҳатто, илоҳга нисбатан шахснинг мустақиллиги кучлирок бўлиб, худоларга сиғиниш тақводорликнинг фақат бошланғич бўсағаларидагина фаол ўтади. Чунки жайнизмда нирвана мақомига эришганларнинг мавқеи баъзан худолардан ҳам юқори бўлиши мумкин. Бу ҳолатда асл диндор учун ҳаёт мутлақо ўз моҳиятини йўқотади – дунёда яшашдан маъно қолмайди. Ва ҳатто қачонлардир шу асосда жайнлар орасида ихтиёрий очлик орқали ўз жонига қасд қилиш билан эътиқодга садоқат билдирилган[23].

Қисқа қилиб айтганда, дуо, афсун ва мураккаб расм–русумлар анъанасидан мустасно янги динда туғилишлар азобидан қутулиб нирванага ўтиш, амалда фақат роҳибларга мумкин эди. Дунёвий манфаатлардан буткул воз кечиб дарвешликда умр ўтказиш, турган гапки, ҳар бир жайнпараст, айниқса, оилали кишининг қўлидан келмасди. Шунинг учун Жайнизм динида халқнинг моддий, ақлий ва маънавий имкониятларидан келиб чиқиб, кейинчалик тақводорга асосан бирламчи диний амалларнинг ижроси фарз этилган:

[23] Ўша асар.-Б. 46.

1. Аҳимса - ҳеч бир жонзотга зиён-заҳмат етказмаслик ва уларни ўлдирмаслик;

2. Браҳмачаря - эътиқодда муносиб ахлоқ–одоб талабларига қатъиян риоя қилиш;

3. Сатя - раҳм–шафқатли бўлиш, ножўя сўз ва ноҳақ ишлардан тийилиш;

4. Астҳея - ўғрилик ҳамда ўзга киши молига кўз олайтиришдан тийилиш;

5. Апариграҳа – тамагарлик, ғазаб ва асабдан тийилиш.

Шунингдек, жайнпарастни асл мақсадга етказувчи амаллар қатори «триратна–уч жавоҳир» тамойили қонуниятига ҳам сўзсиз риоя қилиш:

1. Таълимот ҳақиқат эканлигига шубҳасиз тўла–тўкис ишониш.

2. Ҳақиқий билимга эга бўлиш ҳамда уни доимо ёдда сақлаш.

3. Тўғри ва пок умргузаронлик турмуш тарзига амал қилиш[24].

Жайнизм ғоясининг асосий мазмуни, дунёнинг ижобий ҳодиса эканлигини англаб етиш ва борлиқ тўғрисида муқаддам тўпланган маълумотлар ҳамда илм–урфоннинг эътиборга лойиқ эканлигини эътироф этилишидир. Жайн диний фалсафаси бирор янгиликка даъво қилмаган ҳолда, мавжуд борлиқнинг қиёсий бошланиши сифатида, дунёни ўрганиш ва уни тушуниб етиш мумкинлигини тарғиб қилган. Тақводор учун ибодатнинг маъноси, туғилишлар изтиробидан қутулиш учун моддий оламни тушуниш ва уни ўзлаштиришдан бошланган. Бу олам жайнизмда уч қисмга бўлинади: «акаша» –само, «лока»–борлиқ ва уларни ўз ичига олган - ақл бовар қилмас бўшлиқ «алока»[25].

Бу хусусда аввалги бир бутун яхлитлик ва унинг тараққиёт жараёнида босиб ўтиладиган қуйидаги беш босқич, доимо оддийдан мураккаблашиб бориши билан характерли: олдин жонсиз нарсалар, кейин ўсимликлар, ундан сўнг жонзотлар, ҳайвонлар ва одамлар. Охирги

---

[24] Васильев Л.С. История религии востока. -М. 2000.-С.146.

[25] Низомиддинов Н. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом. –Т.: ЎзРФА Давлат Адабиёт музейи, 2006. -Б.48.

бешинчи босқич ҳосиласи бўлган инсоннинг ҳис–туйғуси, ақл–заковати ва иқтидори имкониятлари, ўзаро бири иккинчисини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида қуйидаги махсус атамалар мазмунида ифодаланади:

1. Мати – нарсалар тўғрисида сезги аъзолари орқали олинадиган билим;

2. Саманя – нарсанинг ўзига хос хусусияти ва унинг моҳияти ҳақидаги билим;

3. Прамана – нарсанинг ўзидаги яширин моҳиятга ўхшашлиги ҳақидаги билим;

4. Ная – юқорида зикр қилинган билимларнинг бошқа нарса ва ҳодисаларга нисбатан таъсири;

5. Жива – индивидуал психикани идрок этувчи субъект;

6. Чайтаня – инсонда чексиз идрок этиш қобилиятининг мавжудлиги;

7. Индрии – бевосита билимлар асосидаги сезги;

8. Манас – сезгиларнинг инсон организмида қайта ишланиши;

9. Бҳаваиндрия – сезги турининг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги бўлиб, бу манба сезги аъзолари негизида тушунча ва мулоҳазаларни шакллантиришга хизмат қилади[26].

Баъзи диний эътиқодлардан фарқли ўлароқ, жайнизм назарида эътиқодли бўлиш, аввало ҳаётни кузатиш ва дунёни ақлан ўзлаштириш натижасида тўпланган тажрибалар билан ўлчанади. Фақат шундагина, руҳий ва жисмоний тенглик қарор топади, чунки таълимотда борлиқнинг яхлитлигини азалдан мавжуд ва ҳеч қачон ғойиб бўлмайдиган икки категория ташкил қилади: «жива»–руҳий ва «ажива»– жонсиз моддий ибтидо. Жива ўз шаклида мукаммал бўлиб, ҳар бир жайнпараст излайдиган «Абсолют» омили ҳисобланади. Ғайиб дунёсида «жива» доим «ажива» билан бирликда – боғлиқликда яшайди. Ва «жива» карма қонуниятининг

---

[26] Бонгард-Левин, Григорий Максимович. Культура древней Индии. -М.: Наука, 1975. -С.121.

замирида материя билан бирлашиб ўсимлик, жонзот ёки одам шаклида фаолият кўрсатади[27].

Руҳ ва материя бирлигидаги бундай сифат ўзгаришлардан шундай хулоса келиб чиқадики, демак ҳаёт, карма қонуни воситасидаги жонли ва жонсиз объектларнинг ўзаро бирлашмасидир. Дин учун бу ҳодисадаги энг муҳими карма. Агар диний–дунёвий аъмол ижобий тугалланса – бу руҳнинг қайта туғилишдан озод бўлганлигини билдиради, бордию салбий якунланса – бу яна изтироб ва азоблар дунёсига қайтиш дегани.

Дейлик, агар руҳ ўз салбий аъмолига кўра жисмоний танани ўзига ўхшашига алмаштирса, бунда туғилишларнинг чексизлик томонга йўналиш хавфи ортади. Ва бу кетишда «инсоннинг руҳи ҳайвон, ўсимлик ёки ҳатто тошда пайдо бўлиши мумкин»[28].

Руҳ, материя ва карма каби борлиқнинг уч таянч нуқтаси, бизга маълумки, жайнизмнинг ижоди ёки ихтироси эмас. Аммо улардаги карма ва унинг асорати қонуни бошқа диний таълимотларга қараганда жайнизмда янада конкрет ва муросасиз бир маънода юзага чиқди, айниқса, инсоннинг ўзи каби жонзотларга муносабати, яъни «Аҳимса» масаласида.

Бу жиҳатнинг жайнлар ҳаётида қанчалик муҳимлигини, тақводорларнинг кундалик турмушдаги юриш–туришидан сезиш мушкул иш эмас. Жайн роҳиблар тасодифан бирор чивин ё бошқа ҳашаротни оғиз ёки бурун бўшлиғига кириб кетмаслиги учун, доим оғиз–бурунларига махсус матодан тикилган ёпинғич тутиб юраганлар. Ичимлик суви ҳам худди шу мақсадда обдан докадан ўтказилиб, кейин ичилган. Ашаддий жайнпарастлар, юрганларида ногаҳон оёқ остидаги чувалчанг ёхуд майда қурт-қумурсқаларни босиб олмаслик учун ниҳоятда ҳушёрлик билан қадам босганлар, баъзилар ҳатто қадам босишдан олдин йўлларини супуриб, кейин юрганлар. Аҳимса ғояси уларнинг онгига шу даражада сингиб

---

[27] Васильев Л.С. История религии востока. -М. 2000. -С. 208-209.
[28] Ўша асар.-Б.124.

кетганки, тупроқдаги тирик жонзотларга зарар етказмаслик учун ерни ҳайдаш ишларига ҳам қадимдан гуноҳ, деб қаралган[29].

Жайнизм диний–фалсафий таълимотининг яна ўзига хос, бошқа диний эътиқодларда учрамайдиган томони шуки, қилинажак ҳар бир ишнинг оқибат натижаси илоҳий ирода ёки кўмакка эмас, кишининг билими, изн–ихтиёри ва ўз мақсади йўлидаги фидокорона интилишларига асосланган. Эътиқодда мукаммалликга етиб нирванага ўтишдаги руҳий ва жисмоний тайёрлик масъулияти жайнпараст назарида шу қадар шахснинг ўзига боғлиқ бўлганки, унинг учун мушкулини осон, ҳожатини равон қилувчи Тангрига ҳамду санолар айтиш, дуолар қилиш, деярли истисно саналган. Бу йўлда ҳатто, мустақил ва мукаммал эътиқодли роҳиб учун дунёвий ҳаётдан ихтиёрий воз кечиш, қачонлардир фарз этилган диний амаллар  сирасига кирган.

Юқорида кўрганимиздек, жайнизмнинг бир тарафдан диний мукофоти бўлган нирвана бахтига муяссар роҳибнинг ўз жонига қасд қилишини ёқлаши, аммо иккинчи тарафдан, таълимотда ушбу ғоянинг акси бўлган Аҳимса қонунининг устуворлиги, ўзининг тескари тушунчалари билан кишини ҳайратга солади.

Жайнпарастлар сўнгги тиртҳанкар Вардҳаман вафотидан кейин ўзаро ғоявий келишмовчиликлар боис «дигамбар»  ва «шветамбар» деб аталувчи икки оқимга бўлиниб кетганлар. Таълимот тарихида инқирознинг бошланғич нуқтаси сифатида баҳоланган бу фирқаланиш, ўзининг ботиний ва зоҳирий зиддияти билан характерли: уларнинг бирида диний мутаассиблик кайфияти кучли  бўлса, иккинчисида эса, мўътадиллик руҳиятининг устуворлиги. Агар дигамбарлар асл Жайнизм талқинига мувофиқ осмонни ёпинғич либос билиб, она қорнидан қандай туғилсалар, шундай яланғоч ҳолда яшаган бўлсалар, шветамбарлар, мусаффо осмон рамзи ёки бошқа сабабданми, баданларини оқ мато билан ўраб юрганлар.

---

[29] Низомиддинов.Н. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом. –Т.: ЎзРФА Давлат Адабиёт музейи, 2006. -Б. 50.

Ҳозирда сон жиҳатдан дигамбарлар шветамбарларга қараганда озчиликни ташкил қилиб, улар асосан жайнпарастлар учун муқаддас зиёратгоҳларда истиқомат қиладилар. Дигамбарлар хайр садақа билан кун кўрсалар ҳам, лекин ҳеч тиламчилик қилмайдилар. Хоксор, борига қаноат қилиб кун кечиришга ўрганган ва шундай ҳаёт тарзини диний эътиқод тақозоси билган дарвешлар, фақат ўз насибаси келишини кутадилар ва нафсларини маҳв қилиш одатлари билан ўз дину диёнатларига садоқат кўрсатадилар.

Гарчи диншуносликда жайнизм талқини юзасидан тўпланган тажриба ва тадқиқий хулосалар оз бўлмасада, бироқ, таълимотда ҳамон изланишлар учун муаммоли мавзулар етарли. Хусусан, шу маънодаги мавҳумотлардан бири, Жайнизм ғояларига на ҳинд ерида ва на ундан ташқарида оммалашувнинг насиб этмаганлиги. Баъзи мутахассислар жайнизмнинг ўз тор доирасидан чиқа олмаганлигини унинг ведалардан унча узоқ ва мазмунан бой эмаслиги ёки буддизмнинг хомаки бир нусхаси эканлигида кўрадилар. Иккинчи бир тоифа тадқиқотчилар, айни муносабатни, таълимотдаги моддий борлиқни фақат ижобий ташвиқоти ҳамда аксарият диний ғояларга зид келувчи тақво талаби – диндорни жонига қасд қилишга ундовчи баъзи ғайритабиий қарашлари билан асослайдилар[30].

Агар айни шу нуқтаи назардан нирванага ноил Жайн ва Будда роҳиблари ўртасидаги фарқларни солиштириб қарасак, гўё икки хил холатга дуч келамиз: жайнларда олий ҳақиқатга етишгач, ҳаётни давом эттириш тубанлашув билан тенг. Буддизмда эса, бўддҳисатва учун бундай олий марҳаматга сазовор бўлинганидан кейин ҳам ҳаёт ўз маъносини йўқотмайди.

Ўйлаймизки, ҳар икки диний таълимот ҳақида олимларнинг билдирган турли объектив ва субъектив фикр–мулоҳазалари ичида қуйидагиси ҳақиқатга анча яқинроқ кўринади, яъни жайнизмнинг браҳманизм билан буддизм ўртасида «кўприк» вазифасини ўтаганлиги.

---

[30] Бонгард-Левин, Григорий Максимович. Культура древней Индии. -М.: Наука, 1975.- С.110.

## 1.3. Ҳиндуийлик динидаги йўналишлар ва оқимларнинг ўзига хослиги (Бҳактизм, Сикхизм)

Ҳиндуийлик динини ўрганар эканмиз, албатта ушбу диндаги йўналишлар ва оқимларга эътибор қаратмасликнинг иложи йўқ. Ҳиндуийлик динидаги оқимлардан бири бу Бҳактизмдир.

«Бҳактий» сўзи луғавий жиҳатдан муҳаббат ва қисман ибодат маъноларини билдиради. Бу сўзнинг бевосита ҳинд диний эътиқодидаги маъноси шунчалик кенг ва чуқурки, унинг ғоявий бошланиш нуқтаси, ҳаттоки, ведалар даврига бориб тақалади. Ведаларга оид сўнгги маълумотларда келтирилишича, Тангри Нараян, яна шунингдек, Бҳагавад номи билан ҳам аталган.

Руҳан ва маънан мусулмон сўфийларига яқин бўлган бҳактлар одатда уч то-ифага бўлинганлар: норасо, туғма, ҳақиқий. Уч тоифадаги бҳактлар ўз табиати ва феъл–атворига қараб яна тўртга ажралганлар: сокин, қизиқувчан, дунёвий ҳамда илоҳий билимга садоқатлилар. Уларнинг орасида биринчи учтаси мўътадил бҳактлар бўлиб, тўртинчиси, дунёвийликдан узоқ бўлганлиги учун Тангрига энг яқини ва ёқимлиси ҳисобланган[31]. Тангри билан бҳактлар ўртасидаги садоқат риштлари, одатда уларнинг маънан шаклланиши асосига қараб белгиланган:

1. Моддий оламдан бошланиб шаклланган мажозий садоқат;
2. Руҳий оламдан бошланиб шаклланган туғма илоҳий садоқат.

Гарчи ҳар икки садоқат шаклан ўзаро фарқланса-да, лекин уларда мақсад та-мойили бир бўлган: инсонга муҳаббат - Илоҳга садоқат!

XI–XII аср ҳинд диний реформатори Раманужа яратган бҳактий фалсафий таълимоти солиҳ бҳакт бандасининг Тангрига бўлган чексиз муҳаббатини эътиқоднинг энг олий кўриниши, деб тарғиб қилган. Янги фалсафий оқим дастлаб «сагун бҳактий» деб номланган. Сагун сўзининг маъноси бирор маълум сифат ёки аниқ кўринишга эгаликдир. Сагун бҳактийга амал қилувчилар Вишну, Ром ёки Кришнанинг инсон

[31] Mohammad Sadiq. A History of Urdu Literature. Oxford University Press. 1958. -P.290.

кўринишидаги маъбудига сиғинганлар. Раманужа Тангрининг қандайдир аниқ шаклда эканлигини рад этса ҳам, лекин утар»лар қиёфасида тушишига ишонган. Таълимотида бҳактдан ўз Аслига қайтиши учун «жот – насл» қоидаларига қатъиян бўйсуниш талаб этилиб, бу масалада фақат браҳманларга мурожаат қилинганлиги учун, унинг амалиёти ўз мазҳаби доирасидан ташқари чиқишга муваффақ бўлмаган[32].

Ҳиндуийлик тарихида бҳактий ғояларининг кенг миқёсда оммалашуви XIV асрдан бошланганлиги айтиб ўтилган. Чунки Рамануждадан кейин унинг издоши Раманaнд, ўз устозидан фарқли ўлароқ, «Тангри бандаси борки - бой ва камбағал, фуқаро ва ҳукмдор, браҳман ва шудра, хуллас, «кибор ва оддий халқ»га баробар дардкаш ва меҳрибон», деган ғояни ёқлаб чиққан. Янги «ниргун бҳактий» оқими, аниқ бир кўринишга эга бўлмаган шаклий жихатдан маълум бўлмаган илоҳий кучга кўрсатилган садоқатни улуғлаган.

Ҳинд олимлари эътирофича, «ниргун бҳактий» оқимининг юзага келиши ва халқ орасида кенг ёйилишида ислом дини ҳам муҳим рол ўйнаган. Бҳактий таълимотининг ғояда «янги дин»га яқин бу йўналиши жамиятда ўзаро тенглик ташвиқотини юритиб, унинг тарафдорлари сафи ҳам шунга яраша кенгайган. Ҳинд ва мусулмонлар ўртасидаги келишмовчиликлар барҳам топиб, бҳактий ғоялари шарофати билан аста–секин муроса йўлини танлаганлар.

Исломнинг ҳинд жамияти шароитига мослашувини Дж.Тримингем қуйидагича талқин қилади:

«Ҳинд исломи ўз моҳияти билан азобу машаққатларга асосланган эътиқод эди. Шунинг учун маҳаллий аҳолини ўзига расмий ислом эмас, балки мўғуллар таъқиби остида ўз дину диёнати учун қувғинликка учраб, узоқ ерларга кетишга мажбур бўлган муҳожирларнинг муқаддаслик меърожига кўтарилишлари тортган».

---

[32] Низомиддинов Н. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом. –Т.: ЎзРФА Давлат Адабиёт музейи, 2006 . -Б.119.

Маҳаллий манбаларда эса, мавзу хусусида бутунлай бошқа омиллар - мусулмонларнинг Ҳиндистонга юриши даврида танг аҳволда қолган ҳиндлар онгида юз берган ўзгаришларга эътибор берилган. Яъни, «Маҳмуд Ғазнавий (1010), Муҳаммад Тўғлоқ (1395), Амир Темур (1398) ва Лўдийлар (1451-1526) сулоласининг ҳужумлари вақтида ҳиндларнинг кўз ўнгида ибодатхоналаридаги ота–боболари сиғиниб келган чексиз қудратли маъбудлар олий насаб браҳманни ҳам, паст табақадаги шудрани ҳам ва ҳаттоки ўзларини ҳам истилочилар қиличидан ҳимоя қила олмаганлар. Мавжуд шароитда бутпарастлар ночор–ноилож, бутларни яксон қилаётганлар эса омадли ва художўйроқ бўлиб кўринганлар. Тангрининг мусулмон саркардаларига ёр бўлаётганлигини кўрган ерлик аҳолининг асрлар мобайнида сукут сурган бутларга бўлган ишонч-эътиқоди йўқолиб борарди»[33].

Шундай бир шароитда, Рамананд таълимотининг табақаланишни инкор этувчи ва аввал бошдан инсонларнинг ўзаро тенглигини даъво қилувчи ғояси, жамиятнинг барча қуйи қатламлари манфаати, орзу истакларига мос келган. Ҳолбуки, аслида Рамананднинг ғоявий концепциясини ҳиндуийлик учун янгилик, деб бўлмасди. Одамлар яратилишидан мутлоқ руҳнинг зарраси бўлганликлари учун ҳинд эътиқодида мантиқан ўз ибтидоси билан тенглик ҳуқуқига эга эдилар. «Ниргун бҳактий» ҳам ана шу тенгликка асосланиб ирқий, диний ва миллий тафовутларни рад этарди. Шу нуқтаи назардан инсон ҳақ–ҳуқуқининг табақа тизими туфайли поймол этилиши ёки унинг шу сабабдан юксалиши, «сагун ва ниргун бҳактий» асосчилари Раманужа ва Рамананд таълимотларининг асосий ғоявий зиддияти эди. Агар Раманужа инсон омилининг улуғланишига фақат «жот–насл» ва табақа тамойиллари назари билан қараган бўлса, Рамананд инсоннинг насл-насабларга ажратилиши ва шундан келиб чиқиб унга муносабат билдирилишига буткул қарши эди.

---

[33] Серебряков И.Д. Ҳинд адабиёти классиклари/Русчадан И. Ҳошимов таржимаси. -Т., 1958. -С. 187.

Ҳинд ва мусулмон каби икки диний ва ижтимоий таркиб тўқнашувида вужудга келган мураккаб бир вазиятда эрк, тенглик ва шу аснода Тангрига бўлган садоқатни инсонга меҳр–мурувват орқали намоён қилишга чорлаган «ниргун бҳактий», халқ ичида шу қадар эътибор топдики, оқибатда бу оқим Ҳиндистон тарихига «Бҳактий андолан-Бҳактий ҳаракати» номи билан муҳрланди. Мамлакатда уйғониш даврининг муқаддимаси бўлган бу ҳаракат, ҳинд ва мусулмонлар орасидан бир қанча етук шахсларнинг етишиб чиқишига сабаб бўлди. Улардан ўз даврининг энг кўзга кўринган намояндаси Гуру Нанак, бҳактий ва тасаввуф ғояларидан руҳланиб, XV–XVI асрлар оралиғида ҳинд ва мусулмонларни маънан бирлашишига даъват этган ўз таълимотини яратиб, янги сикҳизм динига асос солди.

**Сикҳизм**

Маълумки, Панжоб Шимолий Ҳиндистондаги вилоятлар ичида илк мусулмон юришлари давридан ҳинд–мусулмон муносабатларининг шаклланган ери бўлган. Сикҳизм диний таълимотининг яратилиши ҳам «ҳинд–мусулмон муаммоси» маънавий–сиёсий ечимининг бир кўриниши эди.

«Мусулмонлар ҳиндлар ичида яшаганлари учун доимо улар билан мухолифатда бўлишлари мумкин эмасди. Истилодан кейинги ҳаяжонлар сўниб, ўзаро алоқалар борган сари яхшилангач, ҳинд ва мусулмонлар ўртасида қўни–қўшничилик ришталари пайдо бўла бошлаган. Ушбу муносабатларнинг мустаҳкамлашуви бор бутунлигича на ҳинд ва на мусулмонларники бўлмаган янги бир «Ҳинд–мусулмон маданияти»ни юзага келтирган»[34].

Бу масалада ҳиндистонлик олим Сайид Эҳтишом Ҳусайн рисоласидаги Ғазнавийларнинг Панжобдаги 175 йиллик ҳукмронлик даврига тегишли икки томон маданий алоқаларига хос жараёни

---

[34] Низомиддинов Н. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом. –Т.: ЎзРФА Давлат Адабиёт музейи, 2006. -Б.124.

далиллари, омихта маданиятнинг юзага келиши сабабларидан бири сифатида эътирофга лойиқ:

«Маҳмуд Ғазнавийнинг қандайин камчиликлари бўлмасин, у илм–фанни қадрловчи, санскрит тили аҳамиятини тан олувчи шахс эди. Ҳукмдор ўзининг Ҳиндистонга яқин тутишини амалда намойиш қилиш мақсадида санскрит хатида тангалар зарб эттирган» [35] . Ёки ҳинд адабиётшуноси Кришна Кумар Синҳа таърифлашича: «Ҳинд ва мусулмонлар бир ерда яшаганликлари учун ҳинд адабиётида ҳам мусулмонларнинг баъзи дунёқарашлари сезила бошлади. Ҳаттоки, бҳактий поэзиясининг бутун бир «Премкавя–Муҳаббат шеърияти» қисмини ҳинд мазҳаблари, урф–одатлари ҳамда оғзаки ижодини мукаммал билган Кабир, Сажу-бҳай, Дарё Соҳиб ва Жайси сингари мусулмон шоирлари ташкил этди».

Шу зайлда барпо бўлган икки диний эътиқод кишиларининг ҳамкорликдаги ўзаро маънавий ва маданий яқинлашуви, икки ўртадаги бегоналик ҳиссиётига барҳам бериб, унинг ўрнида ўзаро диний қарашларнинг дастлабки куртакларини ниш уришига асос яратди. Ўз даврида муқобил тенглик, биродарликни тарғиб қилган бҳактизм ва унинг шоири Кабир қаламига мансуб шеъриятдаги даъватлар, Гуру Нанакнинг янги таълимоти учун ғоявий асос сифатида асқотди.

Е.Бертельснинг «Тасаввуф адабиётини ўрганмай Шарқ маданий ҳаёти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас, бу адабиётдан хабардор бўлмай туриб, Шарқнинг ўзини ҳам англаш қийин»лиги ҳақидаги хулосаси, ўша вақтдаги Ҳиндистон ва бҳактий адабиётига ҳам бевосита тегишли эди, дейиш мумкин. Чунки оддий халқ орзу ниятларини ўзида мужассам қилган «Садоқат поэзияси»ни билмай туриб, ҳинд-мусулмонлар бирлиги рамзи бўлган «Бҳактий ҳаракати» билан қамралган Ҳиндистоннинг ўзини ҳам англаш мушкул. Бинобарин, ҳинд жамиятида юз бера бошлаган сезиларли ўзгаришлар, бутларга сиғиниш ва табақаланишни

[35] Васильев Л.С. История религии востока. –М., 2000.-Б. 28.

рад этувчи исломий ғоялар билан мужассам равишда оммалашиб борди. Ниҳоят, Ғарбий Ҳиндистондан Панжобга кириб келган бҳактий ҳаракати муҳитида, Гуру Нанак ғоялари сикҳлар мазҳабида диний мақомга эришди[36].

«Гуру Нанак 1469 йили қишлоқ ҳисобчиси оиласида дунёга келган. У мусулмон дўстининг ёрдамида ўқишини тугатгач, афғонлар хизматга ўтган. Диний йўналишда Нанак аввал сўфийларга қўшилган, лекин кўп ўтмай улардан ажралиб Ҳинд ярим ороли бўйлаб дарбадар кезган. Унинг Макка зиёратига борганлиги тўғрисида ҳам тахмин бор. Нанак узоқ давом этган сафарларидан кейин, яна ўз оиласига қайтиб Панжобда яшаган. Шундан бошлаб Гурунинг мухлис шогирдлари ўз устозлари атрофида йиғилиб, ундан таҳсил кўрганлар. Гуру Нанакнинг ёзган диний матнлари яхлит тарзда муқаддас «Ади Грантҳ» китобида жамланган[37].

Янги динда эътиқодга бўлган ботиний садоқат, тақводор сикҳнинг зоҳирида ҳам ўзига хос «махсус беш белги» мажмуида ифодаланган:

1. Кеш - умр бўйи қайчи ва устара тегмаган соч-соқол;

2. Кангҳа – соч–соқолни тоза ва ораста тутишда ишлатиладиган темир тароқ;

3. Качҳ - жангу жадалда бемалол ҳаракатланиш учун махсус бичимда тикилган шолвор;

4. Кинкан - ҳар бир сикҳ қўлига тақилиши шарт бўлган темир билагузук;

5. Кирпан – эртаю кеч сикҳнинг белбоғидан тушмайдиган қилич–ҳанжар.

Сикҳлар Ҳиндистонда ўз ташқи кўриниши, танти феъл–атвори, жасорату ишбилармонлиги билан ажралиб турганлар. Шунга яраша, мамлакатда уларга нисбатан муносабат ҳам ўзгача бўлган. Ҳиндистоннинг

---

[36] Низомиддинов Н. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом. –Т.: ЎзРФА Давлат Адабиёт музейи, 2006. -Б.129.

[37] Васильев Л.С. История религии востока. –М., 2000.- С.133.

қайси бир гўшасида бўлмасин, сикҳларга «сардоржий», дея алоҳида ҳурмат билан мурожаат қилинган. Бундан ташқари, сикҳларнинг яна ўзларига хос икки жиҳатлари эътиборли. Биринчиси, уларнинг жанговорлик хусусиятлари учун номларига қўшиб айтиладиган «сингҳ–шер» сўзи бўлса, иккинчиси, чиройли бир услубда бошларига ўраладиган ранго–ранг дока саллалари. Таги панжоблик сикҳларнинг табиатан барваста, бақувват ва шижоатли бўлганликлари учун, уларнинг аксарияти қадимдан ҳарбий хизматга жалб қилинганлар ва ҳозир ҳам шундай.

Сикҳизмда Гуру - устозга нисбатан доимо иззату ҳурматда бўлиш фарз амалларнинг энг асосийси саналган. Таълимот номи «сикҳ–ўқувчи» сўзидан келиб чиққанлиги учун, унинг асосчиси Нанак номининг Гуру сўзидан бошланиши, устоз ва ўқувчи ўртасидаги муносабатни қай даражада муҳимлигини таъкидлаб туради. Сикҳларнинг муқаддас «Грантҳ Соҳиб» китобида кўрсатилган «Ҳақ йўли»га фақат Гуру етаклашга ҳақли. Бҳактий ва тасаввуфнинг муштарак ғоялари билан суғорилган бу омихта диний эътиқодда сикҳлар ўз насл–насаби, ижтимоий мавқе-мансабидан қатъий назар, ўзаро тенг ва биродар бўлганлар. Сикҳлар дини ўзининг дастлабки давриданоқ ҳинд–мусулмон бирлигига таяниб, ҳинд жамиятидаги устувор браҳманизм тамойилларига тубдан қарши чиққан. Шунингдек, бобурийлар сулоласининг қатор хукмдорлари ҳам сикҳларнинг диний жамоа шаклида йириклашувига тўсқинлик қилмаган. Аммо сикҳизм тарафдорларининг сони ортиб, уларнинг йирик диний ва ҳарбий куч атрофида тўплана бошлаганлиги бора–бора таъқиб остига олинган. «Аврангзеб томонидан тўққизинчи Гурунинг жазога торти-лиши, сўнгги ўнинчи Гуру Говинда раҳбарлигида кўтарилган қўзғолон билан якунланган»[38].

Гуру Говинда вафотидан кейин сикҳлар ҳаётида энг катта воқеа, Ранжит сингҳ бошчилигида алоҳида сикҳлар давлатининг тузилиши ҳамда марказнинг Лаҳор деб эълон қилиниши бўлди. Гарчи янги

---

[38] Васильев Л.С. История религии востока. –М., 2000. - С.135.

давлатнинг умри қисқа бўлиб, инглизлар билан тўқнашувда мағлубиятга учраган бўлса-да, ўтмишнинг руҳи доим сикҳларни Панжобда ўз мустақил давлатини тиклашга  ундаб келган.

XVIII–XIX асрларда ҳиндуийлик таълимотига янги ғояларнинг тадбиқ этилиши, ўзининг уч хилдаги йўналиши билан характерланди. Уларнинг биринчиси, Рам Моҳан Рой (1722-1833) асос солган ҳинд–мусулмон ва насоро динлари бирикмасидан тузилган монотеистик эътиқод, учта дин бирлигини акс эттирган «Браҳма самаж - Браҳма жамияти» шаклида бутларга эмас, ягона Тангрига сиғиниш ғоясини илгари сурган. Иккинчиси, Даянан (1824–1883) ташкил қилган «Аря самаж - Орийлар жамияти» яна «Ведаларга қайтиш» шиори остида ҳиндларни инглизлар мустамлакасига қарши миллий озодлик ҳаракатига отланишга чорлаган. Учинчиси, ҳинд заминидаги барча динларни бирлаштиришга қаратилган Рамакришна (1835-1886) тарғиб қилган йўналиш, ўзининг Ҳиндистондаги энг машҳур ва манзур давомчиси Свами Вивикананданинг саъй–ҳаракатлари билан катта муваффақият қозонган[39].  Неоведизм йўналиши нафақат диний, балки шунингдек, умуман дунёдаги руҳий ибтидо янги таълимотнинг яратилишига рағбатлантирган эди.  Вивекананда назарияси марказида инсонлар ўртасидаги тенглик, тинчлик ҳамда ҳамкорликни фақат юксак маънавий поклик билан барқарор қилиш мумкинлиги ғояси ётарди. Янги замон ҳинд теологияси ўз олдига қўйган жаҳон халқларини руҳий ибтидосига қайтариш билан  бирлаштириш  мақсади, олдин тажриба қилинган ҳаракатларнинг XIX аср оёғидаги янги бир жонланиши эди. Хуллас, ведалардан то ҳиндуийликнинг янги кўринишига қадар ўтган қарийб беш минг йил мобайнида ҳинд диний эътиқоди ички ва ташқи, объектив ва субъектив  сабаблар оқибатида турлиислоҳотларга юз тутди. Ва сикҳизм ҳам, ўз ғояси ва моҳияти билан айнан шу ислоҳотлар ибтидоси сирасидан эди.

[39] Васильев Л.С. История религии востока. –М., 2000. -С. 136.

# II БОБ. ҲИНДУИЙЛИК ДИНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ ҲИНД МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

## 2.1. Ҳиндуийликдаги диний тушунчалар ва худолар таснифи

Ҳар бир динда бўлгани каби ҳиндуийликда ҳам ўзига хос бўлган диний атамалар мавжуд. Биз ушбу бобда ҳиндуийликдаги энг асосий диний атамалар ва ушбу таълимотнинг худолари ҳақида қисқача маълумот беришга ҳаракат қилдик.

**Тангри тушунчаси:** Ҳиндуийлик тангри тушунчасидаги турли хил ифодаларни қабул қилмайди. Ҳиндуийлик динига кўра, ҳар бир диний маросим (урф-одат) тангрини ўзидан келиб чиқиб изоҳлайди. Ҳиндуийлик пайғамбарли динларнинг ваҳийларига ҳам, тангрининг ўзини намоён қилувчи бошқа диний шаклларига ҳам қарши чиқмайди. Ҳиндистонда кўп сонли тангри ва тангричаларни кўриш мумкин. Ҳиндлар буни бир тангрининг турли кўринишларда намоён бўлиши, деб билади.

Ҳинд тангрилар тушунчасида учлик эътиқоди диққатни тортади. Бу учлик эътиқодида Брахма - яратувчи, Вишну - қўриқловчи, Шива эса йўқ қилувчи тангрилар ҳисобланади. Баъзи ҳолларда Вишну ёки Шиванинг асосий ўринга чиқиб қолиши мумкин. Мисол учун, Шиванинг устунлик қозонган пайтларида халқ уни барча хато ва камчиликлардан пок, оламларнинг Роббиси, дея кўра бошлайди.

Ҳиндуийликда кўпхудолилик, учлик эътиқоди, тангри-олам яхлитлиги (пантеизм) мавжуд бўлишига қарамасдан, яккахудолик эътиқодига далолат қилувчи баъзи бир ифодаларга ҳам дуч келиш мумкин. Риг Ведага оид бир жумла шундай келтирилади: **“Тангри бирдир. Ҳакимлар (донишмандлар) уни турли номлар билан номланади...”[40].**

**Ҳулул**[41] (Avatara: инкарнация): Ҳулул эътиқоди тангри ёки олий руҳларнинг башарият билан илоҳий муносабатини ифодалайди.

[40] Доктор Аҳмад Чалабий. Адёнул Ҳиндил Кубро. –Қоҳира., 1983.-Б.72-73.

[41] Ҳулул тангри Вишнунинг инсон шаклида намоён бўлишини ифодалаш учун ишлатилувчи санскритча сўз бўлиб, “тушган, нозил қилган” маъноларини билдиради.

Ҳиндуийлик тангрининг биргина кўринишда эканлиги фикрига қаршидир. Ҳиндлар тангрининг ҳар даврда ўзини ҳар хил шахсиятларга боғлаган ҳолда инсонларга намоён қилишига эътиқод қиладилар. Шундай қилиш билан тангрининг ёмонликни йўқ қилиши ва инсонлар муҳтож бўлган вазифа ва қонунларни билдиришига ишонилади. Пайғамбар мавзуси ҳам худди шундай тарзда тушинилади. Лекин ҳиндуийликка кўра, ҳеч бир пайғамбар ёки дин таълимоти охирги эмас, бу нарса ҳулул орқали абадиятгача давом этади.

Ҳиндуийликда Вишнунинг вақти-вақти билан қутқарувчи тангри сифатида дунёга тушишига ва шароитга қараб турли шаклларда ўзини кўрсатишига ишонилади. Вишнунинг ўзига яраша хилма-хил ҳулул (аватара) лари мавжуд. Уларнинг ичида иккита муҳим “аватара”си Рама ва Кришнадир. Бу борада ҳиндуийлик муқаддас манбаларидан бири Гитада шундай дейилади: **“Мен турли даврларда, турли шаклларда кўринаман...”[42].**

**Карма:** Бу бирор бир сабаб-натижа қонунидир. Дарҳақиқат, инсон ўтмишда нима амал қилган бўлса, келажакда ана шу амалининг натижасини кўради. Яхши амалдан яхши натижа, ёмон амалдан ёмон натижа келиб чиқади. Бугун кечанинг, эртага эса бугуннинг маҳсуллари кўрилади. Ҳиндуийликка кўра, инсон охири кўринмаган таносух (руҳнинг кўчиб юриши) занжири ичида жараён этади. Унга кўра ўлим, бир қўрқув воситаси ва йўқлик эмас, бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтишдир. Шунинг учун ҳар бир ҳиндуийлик дини вакили, дунёга яна қайта келишда яхши амаллар билан келажакдаги ҳаётини кафолатга олишга бор ғайратини сарфлайди. Қилган гуноҳлар ва ёмон ишлар туфайли ўсимлик ёки ҳайвон бўлиб дунёга келишдан қочади. Уларга кўра, ўзлари оид бўлган каста ҳам олдинги ҳаётларида қилган амалларининг натижасидир.

[42] Миронов А.В., Бабинов Ю.А. Основы религиоведения: Рабочая книга преподавателя и студента. Учебное пособие. – М.: НОУ, 1998. –С.7.

Бир сўз билан айтганда, карма тушунчаси биздаги баъзи мусибатга гирифтор бўлган кимсаларга нисбатан ишлатилувчи “қилмиш-қидирмиш”, “амалидан топибди” каби сўзларда ўз ифодасини топади. Зеро, жазолар амалларнинг жинсидан бўлади. Шунингдек, золим киши бу дунёнинг ўзидаёқ жазосини олади. Бундан фарқли ўлароқ кармада бу жазо кейинги тирилишда ўз таъсирини кўрсатади[43].

**Таносух** (Sansara-рухнинг кўчиши). Карма таълимотига боғлиқ ҳолда таносух эътиқоди вужудга келган. Таносух руҳнинг бир жасаддан бошқа бир жасадга кўчиши демакдир. Шундай қилиб ўлимдан кейин ҳам доимий мавжуд бўлиш ва руҳнинг жасаддан алоҳида ҳолда бўлиши хақидаги қарашлар ривож топган. Шундан келиб чиқиб ҳиндлар, ўлимдан кейин ҳам ҳаётнинг давом этишини ва руҳнинг бадандан ажралиши фикрини таносух тушунчаси билан ифодалаганлар. Бу эътиқодга кўра, руҳ ўз даражаси ичида улуғвор ёки пасткаш ҳолда туғилади. Таносух эътиқодида инсон қилган ишларига кўра, ҳайвон, ўсимлик, инсон ёки тангри шаклида қайта туғилиши мумкин. Бу дунёга қайта келиш, бир сабаб-натижа қонуни доирасида амалга ошади (бу эътиқодга кўра инсон ўз такдирини ўзи белгилайди). Доимий ҳолда дунёга қайта келиш билан инсон ўз орзуларига етишади.

Ҳиндуийлик таълимотининг тамалини ташкил қилувчи таносух эътиқоди, Пифагорчилар, Янги Афлотунчилар, Қадим Миср, Монийлик, Урфизм ва Гностизмда ҳам кўзга ташланувчи бир тушунчадир. Баъзи христиан йўналишлари ва Ихвонус-Сафо каби фирқаларда ҳам шунга ўхшаш фикр ва йўналишларга дуч келиш мумкин. (Бундан ташқари таносух эътиқоди Ҳарбия, Жаноҳия, Ҳобития ва Ҳадасия, Ҳадбия, Муаммария, Нусайрия каби эътиқодий мазҳабларда, Бектошийлик ва Яҳудийликдан таъсирланган фирқаларда кўзга ташланади)[44].

---

[43] Доктор Аҳмад Чалабий. Адёнул Ҳиндил Кубро. –Қоҳира., 1983.-Б.66-67.

[44] Яшар Кутлуай. Islam ve Yahudi mezhebleri. –Анқара., 1965.-Б.218; А. Яшар Ўжак. Bektasi Menakibnamelarinde Tenasuh II. Milletlerarasi Folklor Kongresi Bildirileri. –Анқар., 1982.-Б.397-408; A.Schimell, Dinler Tarihine Giris. –Анқара., 1955. -Б.252.

**Йога:** Йога санскритча, “боғлаш, бирлаштириш” маъноларини билдирувчи “Юж” (Yuj) ёки “Янг” (Joung) ўзагидан келиб чиққан. Бу инсоннинг қувватини маълум бир мақсадга йўналтиришни кўзда тутувчи риёзатдир. Йога иродани чиниқтириш усулидир. Машқ ва машғулот деган маъноларини билдиради. Йога билан шуғулланувчига йоги дейилади. Йоги ўз нафси устидан ҳоким бўлади ва зеҳнини бир нуқтага жамлайди. Шундай қилиб у бадан ва руҳ, ҳаракат ва зеҳн, ҳиссиёт ва сезги аъзолари орасидаги муносабатни тиклаб, абадийликка, коинотнинг ўзгармас аслига етишишига, ғайритабиий кучлар билан алоқа боғлашга ҳаракат қилади.

**Ҳиндуийлик маъбудлари:**

Ҳиндуийликда энг кўп эъзозланадиган асосий тўққизта маъбудни учта учликка бўлиш мумкин:

Биринчи учликка олий маъбудлар киради. Улардан иккитаси ҳозир ҳам жуда эъзозланади. (Вишну ва Шива), биттасига эса ўтмишда, Брахманизмда олий худо сифатида сиғинилган (Брахма).

Иккинчи учликка уларнинг хотинлари киради (Лакшми, Парвати, Сарасвати). Учинчи учликка олий бўлмаса-да, индуслар томонидан эъзозланадиганлар (Брахман, Ганеша, Кама) киради. Ҳиндуийликда *тримурти* (учлик) – Брахма, Вишну, Шива худолари асосий худолар саналиб, Брахма уларнинг энг каттаси – дунёни яратган худо ҳисобланади. Бироқ, ҳиндуийликда фақатгина Вишну ва Шивагагина сиғинадилар. Шунга биноан, ҳиндуийлик икки асосий оқимга бўлинади: Шивага сиғинувчилар ва Вишнуга сиғинувчилар[45].

**Шива – ҳалокатлар маъбуди**

*Шива.* Шива ўзида кўплаб сифатларни жамлайди. Унга сиғинувчилар, шиваитларнинг эътиқодича, вайронгарчилик албатта яратилишдан аввал юзага келиши лозим ва шунга кўра, Шива яратилиш ва ўзгаришларда ўзига хос тарзда иштирок этади. Шива турлича

[45] Алаев Л.Б. Такой я видел Индию. – М.: Наука, 1971. –С. 319.

тасвирланади – баъзида танасига оқ кул суртилган аскет тимсолида, Ҳимолай тоғларида йўлбарс териси устида доимий медитацияда ўтирган ҳолатда тасвирланади. Бошининг тепасига йиғилган соч тугунида ярим ой қадалган, ундан муқаддас Ганг дарёси оқиб туради. Баъзида эса – Натарадж («Рақс ҳукмдори») жозибали айланишда, оламни ўзининг туганмас рақслари билан ушлаб турувчи ҳолда тасвирланади. Шивани кўпинча унинг рафиқаси Парвати ва Шивага ҳаракатланиш воситаси бўлиб хизмат қилувчи буқа Нанди ва уларнинг ўғли Ганеша билан тасвирлайдилар. Индуистлар Шивага яна ҳам кўп ҳолатларда лингам, оддий тош устун тимсолида сиғинадилар[46].

**Шива - Шиваизм**

Шива оддий халқ оммаси – камбағалларнинг илоҳияти ҳисобланади. У Ригведанинг биринчи нусхаларида Рудра номи билан зикр этилган. Атхарваведада Рудранинг роли ошиб боради. Яжурведада Рудра Агни тимсолида берилган. У Ишана, Ишвара, Махадева (буюк худо) номлари билан ҳам аталади.

Ҳиндистонда шиваизмнинг ўн учга яқин асосий оқимлари мавжуд. Шивачилар орасида асосий оқим сифатида *тридандиналар* (уч таёқлилар) ва *смартлар* (*смрити* сўзидан – *ҳаққоний ривоятлар*)ни айтиб ўтиш мумкин. *Тридандиналарнинг* маркази Варанаси бўлиб, унда таркидунёчиликда ҳаёт кечирадилар. *Смартларнинг* бир қисми роҳибликда, яна бир қисми – дунёвийлик ҳолатида яшайдилар. Ушбу оқимларнинг ҳар иккаласи ҳам фақат брахманларнигина ўз сафларига қабул қиладилар. *Дандилар*, яъни зоҳидлар орийларга хос бўлмаган баъзи маросимларни ўтказадилар. Жумладан, шу оқимга кираётган пайтда оёқларининг пастки қисмидан қон чиқарадилар. Ўлганларни ерга дафн қиладилар ёки муқаддас дарёлардан бирига топширадилар. Шиваизмнинг катта оқимларидан яна бири *лингачилар* бўлиб, улар бўйинларига *линга*

---

[46] Ўша асар. – Б. 321.

осиб юрадилар. Кимдир уни олтин, кумуш қутида олиб юради. Ибодат вақтида уни чап қўлларида тутиб турадилар. *Лингачилар* бир неча уруғларга бўлиниб, ўзаро қудачилик қилмайдилар. Шиваизмнинг майда оқимлари *орийлар*га тегишли бўлмаган анъаналар билан суғорилган. Дейлик, Шактра ёки Шакта оқими ҳайвон ёки одамларни қурбон қилиши билан ажралиб туради. Ҳозир турли бало-офатлар пайтида қилинадиган бундай қурбонликлар ё йўқ бўлиб кетган, ёки махфий равишда амалга оширилади. Халқ орасида Шиванинг 1008 та номи бор[47].

**Вишну - Вайшнавизм**

Вишну – ҳозирги Ҳиндистон пантеонида биринчилик учун курашаётган иккинчи маъбуддир. Ригведада табиатга жон ато этувчи қуёш худоси Вишну биринчи даражали маъбуддир. Унда Вишну жуда сахий қилиб тасвирланган. Ибодат пайтида уни Савитар, Рохита, Суря, Адита номлари билан ҳам атайдилар. У бутун коинотни уч қадамда босиб ўтиши ва ҳавода муаллақ юра олиши хусусияти билан тавсифланади. Ярим инсон, ярим худо шаклидаги қаҳрамон Кришна Вишнуга қўшилиб кетган деб тасаввур қилинади.

“Махабҳарата” ва “Рамаяна” достонларида *Аватара*, яъни инсоннинг Вишнуга қўшилиб кетиши ҳақида сўз юритилади. Вишну гоҳида тўрт қўлли қилиб тасвирланади. Вишнунинг оммавий ибодат маросимлари баъзан жуда мураккаблашиб узоқ вақт давом этади. У ҳеч қачон инсон ёки ҳайвоннинг қурбонлик қилишни талаб қилмаган[48].

**Вишну –қўриқловчи маъбуд**

*Вишну* кўпинча яратувчи – Брахма ва бузғунчи Шивадан фарқли равишда, Посбон тимсолида намоён бўлади. Унга сиғинувчилар, вайшнавлар эътиқоди бўйича, Вишну кўп маротаба, ҳар сафар дунёни фалокатлардан қутқариш мақсадида аватараларга, яъни моддий қиёфаларга кириб, ерга тушган. Вишну одатда тўқ кўк рангли, тўртта

---

[47] Алаев Л.Б. Такой я видел Индию. – М.: Наука, 1971. – С. 322.
[48] Алаев Л.Б. Такой я видел Индию. – М.: Наука, 1971. –С. 323.

қўлининг ҳар бирида бирон рамзни: денгиз чиғаноғи, чакра, гурзи, нилуфар ушлаган ҳолда тасвирланади. Баъзида Вишну улкан кўп бошли илон, Ананта халқалари устида ястанган холда, оёқлари узра утирган рафиқаси, ҳосилдорлик маъбудаси, Лакшми билан тасвирланади. Бошқа ҳолатларда Вишну Гарудага – яъни унга ҳаракатланиш воситаси сифатида ҳизмат қилувчи қушга минган холда тасвирланади. Вишнунинг Аватаралари – бу Балиқ, Тошбақа, Тўнғиз, Одамшер, Пакана одам, Болтали Рама, Рама, Кришна, Будда ва Калки (сўнгиси ҳали келмаган). Будданинг Вишну аватаралари қаторига киритилиши ҳиндуийлик учун одатий ҳол бўлиб, унинг барча динлар билан мослашиб кетишига хос бўлган ҳолатдир: баъзида индуистлар Христосни ҳам аватаралар қаторига киритадилар.

Вишнунинг айниқса, шимолий Ҳиндистонда энг эъзозланадиган аватаралари - Рама ва Кришнадир. Шоҳ ўғли Рама, *Рамаяна* қаҳрамони, мукаммал ҳукмдор сиймоси, унинг рафиқаси Сита эса – идеал ҳинд аёли сиймосидир. Бхактларнинг муҳаббат ва эъзозлаш предмети бўлган Кришна, шаддод аммо катта кучга эга бўлган бола, энг севимлисининг исми Радха бўлган чўпон қизларнинг най чалувчи қора танли жазмани, шунингдек *Махабхарата достонининг* етук қаҳрамони ва *Бхагавадгитадаги* донишманд тимсолларида тасвирланади[49].

**Шактилар – Аёл маъбудалар**

*Шакти* ибтидоий аёл маъбудалар тимсолидир. Шу билан бирга, Вишну ва Шиванинг рафиқаларини шундай номлайдилар. Сиғинувчилар учун (уларни шактилар деб атайдилар) Шактилар ўз жуфтларининг фаол кучларини ташкил этадилар. Айниқса, кўп ҳолларда сиғиниш объекти сифатида Шиванинг рафиқаси Шива-Шакти олинади.

**Шакти – Сарасвати**

Брахма мифологияда демиургнинг муҳим ўрнини эгалласа-да, унга сиғинилмайди. Шундай бўлса-да, унинг рафиқаси  Сарасвати мусиқа,

---

[49] http://www.religio.ru/lecsicon/09/232.html

нафис санъат ва билимлар маъбудаси сифатида барчанинг эъзози ва чексиз муҳаббатига сазовордир.

**Шакти Парвати**

Кўп ҳолларда сиғиниш объекти сифатида Шиванинг рафиқаси Шива-Шакти олинади. У жуда кўп шаклларга эга: Парвати, Ума ва Аннапурна сифатида у – гўзал аёлдир, аммо Дурга, Кали, Чанди ёки Чамунди тимсолида қўрқинчли ва даҳшатли кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Дурга, тажовузкор қиёфали жангчи аёл, шер минган ҳолатда, юзлаб қўлларида кўплаб ўлим қуролларини ушлаган[50].

**Кали, Дурга, Чанди**

Кали қондек қизил тилини чиқариб турган қоп-қора дев-аёл, бўйнида одам калла суякларидан маржон осган, қўлида эса қонли қилич ушлаган. Кали касалликлар, ўлим ва ҳалокатлар билан боғланади, аммо у бир вақтнинг ўзида ўзига сиғинувчиларни улардан асрайди. Калига сиғиниш унга ҳайвонларни қурбонлик келтиришни ўз ичига олади, у дунёнинг онаси - Матри сифатида эъзозланади. Баъзи бир шакти культларида Калига сиғиниш «экстремистик» тус олади. Тантрик деб аталувчи секталар (*Тантралар* – уларнинг муқаддас матнлари) ўзларининг бағишлов маросимларида гўшт ейиш ва алкогол истеъмоли ёки фахш каби анъанавий таъқиқларини бузадилар. Тантриклар сеҳр-жоду ритуалларини, мистик мантраларни такрорлашни, уларни халос бўлишнинг энг яхши йўли ҳисоблаб, афзал кўрадилар[51].

**Ганеша – Шиванинг ўғли. Ганеша – Аъёнлар бошлиғи**

Ганеша (“Аъёнлар бошлиғи”) – Шива ва Парватининг ўғли, тадбиркорлик ва омад маъбуди, отасининг аъёнларига бошчилик қилади (аъёнлар қуйи табақа маъбудларидан ташкил топади). Ҳиндистоннинг диндор ўғри ва фирибгарлари Ганешани ўзларининг ҳомийлари деб биладилар, ўғриларнинг омад келтирувчи маъбуди деб ҳисоблайдилар.

---

[50] http://www.religio.ru/lecsicon/09/233.html
[51] Алаев Л.Б. Такой я видел Индию. – М.: Наука, 1971. –С. 327.

Ганеша ўсмир ёшидаги тўрт қўлли ва фил бошига ўхшаш бош билан тасвирланади. У ҳиндуийликдаги фил бошли ягона маъбуддир. Ҳиндуийлик вакиллари уйларида Ганешанинг ҳайкалини сақлашга уринадилар. Ҳар бир иш Ганешага ибодат қилишдан бошланади. Ганешанинг кўнглини олиш мақсадида улар тонг саҳардан Ганешанинг қорнини силашлари керак бўлади[52].

Ҳиндуийликда қатор бошқа маъбудлар ҳам бор бўлиб, уларга алоҳида ҳолатларда ёки махсус мақсадларда сиғинадилар. Уларнинг ичида энг машхури – Ганеша, Шиванинг фил бошли ўғли бўлиб, уни ҳар қандай амалий ишни бошлашдан олдин рози қилиш даркор, деб ҳисоблайдилар. Шиванинг бошқа ўғли – Сканда ёки Картикея бўлиб, Жанубий Ҳиндистонда унга алоҳида иҳлос қилинади. Кўпчилик маймун бошли Хануманни афзал кўриб, у *“Рамаяна”да* Рамнинг содиқ иттифоқчиси сифатида тасвирланган. Жойларда қора чечак маъбудаси Ситалага сиғиниш тарқалган. Брахма мифологияда демиургнинг муҳим ўрнини эгалласа-да, унга сиғинилмайди. Шундай бўлса-да, унинг рафиқаси Сарасвати мусиқа, нафис санъат ва билимлар маъбудаси сифатида барчанинг эъзози ва чексиз муҳаббатига сазовордир.

Шунингдек, кўп сонли иккинчи даражали маҳаллий маъбудлар ҳам бўлиб, индуист-деҳқон ўз атрофидаги барча тепаликлар ва дарёларни маъбудларга бўлиб чиқади. Қишлоқ кулоллари шунингдек, кулол чарҳи маъбудига, қўшчи эса, омоч маъбудига сиғинади[53].

## 2.2. Ҳиндуийликдаги диний маросимлар, урф-одатларнинг ўзига хос хусусиятлари

Ҳиндуийликда ибодат ҳамма жойда амалга оширилиши мумкин. Ибодатхоналар ҳам мавжуд, лекин унда ибодат жамоат ҳолида эмас, ёлғиз ҳолда амалга оширилади.

---

[52] http://absurdopedia.net/индуизм.html

[53] Альбедиль М. Ф. Забытая цивилизация в долине Инда. - СПб: Наука, 1991.– С. 176.

Ҳиндларнинг муштарак бир ибодат тимсоли “Ом”дир. Ом сўзи, мусулмонлардаги “бисмиллоҳ” каби овқатланишдан, ведаларни ўқишдан, дуодан ва ҳар қандай ишни бошланишидан олдин айтилади. Ом илоҳий куч-қувват билан тўла, муқаддас ва сирли сўз сифатида қаралади. Узун ва махсус нафас олган ҳолда айтилади. Бу сўзнинг ҳарфлари Брахмани ёки Брахма-Вишну-Шива учлигини ифодалайди.

Ҳинд тонгда эрта туриб, уйда ёки дарё бўйида амалга оширувчи ибодати учун тайёрланади; тангрининг номини зикр қилади, ювинади, **Гаятри Илоҳийси**ни ўқийди. Тонги ибодатида юзини “қибла”га қаратган ҳолда ўтириб, вужудининг атрофига енгилгина сув сепади. Нафасини назорат қилади. Тангрисининг бутига ёлворади. Тушда ва кечқурун мана шу ҳолатларни такрорлайди. Бутга ҳадя назр қилади. Бошқа тангрилар, аждодларга, мусофирларга, фақирлар ва муқаддас сигир каби ҳайвонларга емиш (таом)лар беради. Сигирлар - еру-кўк ва ҳаво оламининг онаси сифатида эътироф этилади[54]. Сигир ва ҳўкизлар кўчаларда, савдо-сотиқ ва иш жойларида бемалол юради; йўлга ётиб олсалар, йўл ҳаракати қоидалари шунга қараб тартибга солинади. Уларни сўйиш ва ейиш мумкин эмас[55]. Ҳиндистонда ўсимликлар билан озиқланувчилар ¼ ни

[54] Қаранг: Доктор Аҳмад Чалабий.Адёнул Ҳиндил Кубро. –Қоҳира., 1983.-Б.34. Ҳақиқатдан ҳам сигир ҳиндлар наздида муқаддас саналади. Бу борада манбалардан кўп маълумотларни учратиш мумкин. Мисол учун, ривоятларга кўра, бир куни чўчқа подшоҳнинг олдига келса, у сигирга ибодат қилаётган экан. Чўчқа подшоҳга: “Эй подшоҳ, қачон менга ибодат қиласан?”, дебди. Бу гапга нисбатан подшоҳ ниҳоятда ғазабланибди ва чўчқани койиб: “Чиқ олдимдан, бўлмаса ўлдираман”, дейди. Чўчқа йиғлаб кета туриб подшоҳга: “Биламан, сен фақат менинг гўштимни яхши кўрасан. Менинг эса сен яхши кўрган нарсани бериш учун ўлишим керак. Шунга қарамасдан сен менга эмас, сигирга ибодат қилмоқдасан”, дейди. Подшоҳ эса унга қарата: “Эй аҳмоқ чўчқа, мен сенинг гўштингга сенинг ўлимингдан кейин эришаман, яъни сен унда беришга ҳам тўхтатиб қолишга ҳам қодир бўлмайсан. Гўштинг ҳам тез орада тугаб битади. Аммо сигир эса менга ўзи тирик бўлган ҳолда ўз хоҳиши билан сут беради. Худди шу шаклда у тинимсиз давом этади. У фидойилик ва фидокорлик рамзидир. Шунинг учун мен унга сиғинаман”, дейди.

[55] Ҳиндистоннинг бир қанча вилоятларида сигир гўштини ейиш таъқиқланади. 1981 йилда Ҳиндистоннинг ғарбидаги Копаргаоҳ шаҳрида мусулмонларнинг ҳиндлар учун муқаддас саналувчи тўртта сигирни сўйганликлари ҳақида тарқатилган миш-мишлар орқасидан каттагина норозилик кўриниши юзага келган. Мусулмон маҳаллаларига ўт қўйилиб, натижада давомли комендант соати жорий қилинган ва кўчага чиқиш таъқиқланган. (баъзан Ҳиндистонда масжидга кирган бир муқаддас сигирнинг чиқариб юборилиши ҳам мусулмонлар ва бу дин вакиллари ораси каттагина келишмовчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Ҳозирда Ҳиндистонда 250 миллион сигирнинг мавжуд. Бу сигирларнинг сўйилиши ҳиндлар ва сикхлар орасида ҳам келишмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Ҳинд бошқаруви бир қанча йиллардан бери сигирни асл муҳофаза-ҳимоясига келтириш учун ҳаракат қилмоқда. Сигирни ҳиндларнинг онаси ўрнида кўрувчи тариқатлар ҳам мавжуд).

ташкил қилади. Шунинг билан бирга мусулмон бўлмаган ҳиндлар ҳам чўчқа гўштини емасликка одатланганлар.

Уйларда умумий ҳолда сиғинилувчи бутга хосланган бир махсус хона ёки бурчак бўлади. Бу жойларда Вишну ёки Шиванинг бути сақланади. Бут, муқаддас илоҳийлар ўқилган ҳолда ёғланади. Унинг олдида ўтирилиб, тафаккурга шўнғилади. Тутатиқлар тутатилади. Муқаддас хона ёки бурчакнинг олдига чироқлар, гуллар ва ейиладиган нарсалар қўйилади. Бутларга атаб сув тўкилади.

Ҳиндуийликда ибодатхоналарда амалга оширилувчи ибодатлар, уйдагилардан бироз такомиллашган тарзда амалга ошади. Брахманлар кечанинг охирги саккизинчи соатида муқаддас мантларни ўқиган ҳолда бутни уйғотадилар. Сур чалиниб, ташқаридагиларга ибодатнинг бошланганлиги билдирилади...

Ибодатхонасиз қишлоқлар йўқ. Шаҳарларда эса катта ва улкан ибодатхоналар мавжуд бўлиб, улар баланд деворлар билан ўралган ва уларнинг ёнида муқаддас ювиниш учун хосланган ҳовузлар бўлади.

Ҳиндуийликнинг баъзи йўналишларида бошлиқларга илоҳлик нисбат берилиб, улуғланади. Ўлиб кетган қаҳрамонлар ва азизларга ҳам ёрдам бериш учун дуолар қилинади. Жинларнинг мавжудлигига ишонишади ва улардан қўрқишади.

Ҳиндистондаги етти муқаддас зиёратгоҳнинг энг машҳури бу – **Банорас**дир. Ҳиндлар ўликларни ёқиб, кулларини Ганга дарёсига оқизадилар. Аввалари аёллар, ўлган эрлари билан бирга кўмилганлари ҳолда ҳозирда бу одатдан воз кечилган.

Кўплаб оилавий маросимлар ҳаётнинг асосий воқеалари билан боғлиқдир. Маросимни оилавий руҳоний – пандит бошқаради. Кўпчилик юқори каста вакиллари орасида одатда бу руҳоний Брахман бўлиб у муқаддас матнларни куйлаб, қурбонликларни маъбуд ҳайкали остига жойлайди. Фарзанд туғилиши шарафига бағишлаб ўтказиладиган маросим гўдакнинг киндиги кесилмасидан аввал ўтказилади. Тахминан ўн кунлар

атрофида унга исм қўйилади. Юқори каста вакиллари орасида ўғил боланинг балоғат ёшига етиши муносабати билан муҳим маросим – Упанаяна ўтказилади. Болага у бутун умри давомида боғлаб юрадиган муқаддас боғич боғланади[56].

Узоқ давом этувчи никоҳ маросими давомида никоҳланувчилар кийимларининг этакларини бир-бирига боғлаган ҳолда муқаддас олов атрофида айланадилар. Янги турмуш қурганлар абадий бирга бўлишга қасам ичадилар. Одатга кўра бева аёл иккинчи бор турмушга чиқишга ҳақсиздир. Қадимги пайтларда эса юқори касталарда бева, ўлган эри билан бирга, тириклайин ёқиб юборилган[57].

Ўликларни жон чиққан заҳоти ёқишни бошлаб юборишади. Кулини эса Ганг ёки бошқа бир муқаддас дарёга оқизишади. 12 кун давомида марҳумнинг оила аъзолари ўликнинг руҳини тинчлантириш учун ҳар куни сут ва қайнатилган гуручдан тайёрланган пишириқларни дарёга оқизишади. Юқори кастага тегишли ҳиндлар вақти-вақти билан, авлоддан-авлодга ўтиб борувчи шраддха – аждодларни эслаш маросимини ўтказиб туришади[58].

Айрим илмий тадқиқотларда ҳиндларнинг Исломга киришига асосий сабаб қилиб қуйидаги қулай шароитлар кўрсатилган: янги эътиқоддаги ҳинд мусулмонларининг ақлий, жисмоний фаолият, ижтимоий-иқтисодий аҳвол, мансаб-мартабада чекланмасликлари, оғир ва машаққатли, айниқса, чиқиндиларни тозалаш каби ишларни бажаришга маҳкум этилмасликлари ва умуман табақа тизимидан озод бўлишлари. Бундан ташқари, муқаддам зикр этилганидек, ислом тажрибасидаги мавжуд, яъни аслида турли эътиқод ва миллатлардан бўлган мусулмонларда ўз ўтмиш маросимларининг миллий хусусият сифатида сақланиб қолиш ҳоллари Ҳиндистонда ҳам ўзгармади. Ислом

---

[56] Альбедиль М.Ф., Левизи Л.Л. О времени и о календарном круге из индийских коллекций МАЭ // Кунсткамера. Этнографические тетради. Выпуск 13. – СПб: Петербургское Востоковедение, РАН, 2003. –С. 194.
[57] Альбедиль М.Ф. Индуизм: Творящие ритмы. - СПб: Азбука, 2004.,–С. 256.
[58] Атаев С. Путешествие в Индию. – Ашхабад, 1958.– С. 129.

тасарруфидаги мамлакатларда қўлланган бу диний сиёсатнинг тарихда ўзини оқлаганлиги ва ҳатто ҳозиргача ўз изини йўқотмаганлигига мисоллар етарли.

Маълумки, ҳинд жамиятида хусусан, ҳиндуийлик динида ҳайвонларга илоҳий тус бериш анча такомиллашган. Сигир, илон, маймун шулар жумласидандир.

Илонлар, ҳиндлар учун қўрқув ва ваҳима тимсоли бўлиб, илоҳлик табиатини мана шу томондан рамзий ифодалайди ва ҳиндлар томонидан улар муқаддас илоҳ эътиқодига кўтарилган. Унга “Нага” деб ном беришган. Унинг ҳиндлар орасида алоҳида ҳурмати бўлган ва унинг биргина чақиши инсоннинг дарҳол ўлим билан юзлашуви уларни ҳайратга солган... Шунинг учун ҳам ҳиндлар ҳар йили диний йиғинлар ташкил қилиб, бодомдан тортиб сутгача бўлган барча неъматлардан илонларга (уларнинг ёмонликларидан сақланиш мақсадида) қурбонлик сифатида тортиқ қилишган. Уларни, илонлар инларини олдига қўйиб кетишган. Энг катта илонлар ибодатхонаси Ҳиндистондаги Майсур шаҳарчаси шарқида барпо бўлган. Бу минтақа ибодатхоналари илонлар билан тўлиб тошган. Тарихдан коҳинлар гуруҳи эса уларни овқатлантириш, парваришлаш ва алоҳида эътибор билан машғул бўлишган.

Шунингдек, тимсоҳлар, йўлбарслар, қоплонлар, товуслар, тўтилар, каламуш ва сичқонлар ҳам илоҳ ўрнида бўлган. Уларнинг барчаси ҳиндлар учун муқаддас деб саналган. Зеро, ҳиндлар инсон билан ҳайвонни кўп ҳам эътиборда бир-биридан ажратишмаган. Негаки, ҳар бир жониворнинг, уларга кўра, руҳи таносух орқали инсондан ҳайвонга ва аксинча, ҳайвондан инсонга алмашиниб турган. Аммо сигирга келадиган бўлсак, у ҳиндларга кўра энг муқаддас илоҳ ҳисобланади. Унинг ҳар бир ибодатхона, уй ёки майдонда ҳайкалларига дуч келиш мумкин. Бундан ташқари унинг кўча-кўйларда, умумий ва хусусий жойларда бемалол юриши ҳайратланарли ҳолатдир. Шарт-шароитлар

нима бўлганида ҳам унинг гўштини ҳиндлар емаганлар. Териси ишлаб чиқаришнинг ҳеч бир соҳасида ҳам ишлатилмаган. Бирон киши унга тажовуз қилса, қонини оқизса, ўлдирса, каттагина диний маросимлар билан кўмилган...

Сигирнинг ҳиндлар томонидан улуғланиши ва ҳатто ибодат даражасига кўтарилиши масаласи жуда муҳим мавзуни ташкил қилади. Ҳиндлар сигирни нима бўлганда ҳам азият бермаганлар... Улар фақатгина ундан сут, тезак ва сийдикларини олишган. Тезак эса гулхан ёқишда ишлатилган. Аммо сут ва сийдигининг улар наздида алоҳида эътибори бўлган. Ҳиндлар унинг сийдигидан ҳеч ҳам нафратланмаганлар, балки уни баъзи ҳолатларда инсонга касалликларга қарши шифо, деб билганлар. Шунинг учун ҳам сигир шаҳар кўчаларида ўзи хоҳлаганича юриб, экинлардан тўйганича еб юрган. Уни сўйиш ёки гўштини ейиш жоиз бўлмаган. Улар бу ишни қиладиганлардан нафратланишган[59].

Деҳқон орийлар Ҳиндистонга келган пайтларида, сигирни муқаддас деб билмасдан уни ўз ишларида хизматидан фойдаланиб, гўштидан ҳам имкон қадар тановул қилганлар. Шунингдек, коҳинлар ва илоҳларга ҳам ундан бериб туришган. Лекин буддавийликдан таъсирланганларидан кейин уни ҳаром деб билишган... Ҳиндуийлик ҳиндларга хос ҳаёт шартларини йўлга қўйган, урф-одат ва ижтимоий-иқтисодий, кўп сонли табақалар низомини тартибга солган ва уларни бир-биридан ажратган.....[60]

Сигир Ҳиндистонда муқаддас ҳайвон саналади. Зардушт матнларида муқаддас бир дарёнинг қирғоғида икки яшил “қамиш” мавжудлигини кўрамиз. Бири дарёнинг бу бетида, бири эса у бетида. Бу томондан “Киюмерс” (Гайомард) – илк инсон юзага келади, у томонда сигир. Демак, Зардушт динига кўра илк инсон билан илк сигир бир пайтда вужудга келган эканда?! Сигирнинг Зардушт ва Ҳинд динидаги ўрни ва мавқеи, сигир орийларнинг тотеми бўлганлигини кўрсатади.

---

[59] Атаев С. Путешествие в Индию. – Ашхабад, 1958.– С.132.
[60] Фавзий Муҳаммад Ҳамид. Оламул адёни байнал устурати вал ҳақиқати. –Триполи., 1999.-Б.176.

Сигир бошли устунлар унинг қайсидир даврда тотем бўлганлигини кўрсатади. Ҳозирда ҳам баъзи уй ва масканларда қўйларнинг боши осиб қўйилганлигини кўрамиз... Ҳиндистонда тотем шаклидаги сигир бугунга келиб муқаддас ҳайвон кўринишини олган. Зардуштийлар ва ҳиндлар сигир гўштини емайдилар. Чунки тотемнинг гўштини ейиш, ўша тотемга эргашганларга ҳаром саналади. Узоқ Шарқда эса мисол учун, Қадимги Ҳиндистон ва Хитой ибодатхоналарида илонлар сақланган ва илон бу қавмларнинг "тотеми" саналган. (Ўтмишда) Ўз навбатида маймун ҳам тотем бўлган ва унга ҳам сиғинилган. Қисқаси Ҳиндистон ажойиб, ғаройиб ва жуда кўп динларнинг бешиги саналади[61]..." Бунга мисол сифатида, Махатма Гандининг сигир ҳақидаги ушбу сўзини келтириш жуда ўринлидир: **"Ҳиндуийлик шарт қилган сигир ҳимояси, бутун оламга бўлган ҳинд таълимоти бўлиб, у инсоният ва ҳайвонот орасидаги нозик биродарлик алоқасидир. Ҳинд эътиқоди сигирни инсониятнинг онаси, деб билади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Зеро, сигир ҳинд фуқаросининг энг яхши дўстидир. У ҳиндлар учун энг яхши ҳомийдир...**

**Сигирни кўрган пайтимда, мен ўзимни ҳайвонни кўряпман, деб билмайман. Чунки мен сигирга сиғинаман ва унга ибодат қилишга дунёдаги барчани ундайман...**

**Онам бўлмиш сигир, ҳақиқий онамдан бир неча жиҳатдан устун туради: 1) Ҳақиқий онам мени бир ёки икки йил эмизиб, бунинг эвазига мендан бир умр унга хизмат қилишимни талаб қилади. Аммо онамиз сигир эса доимо бизга сут беришига қарамасдан, биздан оддий ем-хашакдан бошқа хеч нарса талаб қилмайди. 2) Ҳақиқий онамиз касал бўлса, бизнинг зиммамизга кўпгина масъулиятлар тушади. Аммо сигир онамиздан эса, бизга хеч қандай зарар етмайди. 3) Ҳақиқий онамиз вафот этганида, биз каттагина сарф-харажатлар остида қоламиз. Аммо сигир онамиз вафот этсачи, унинг**

[61] Али Шариатий.Динларни таниш ва динлар тарихи.-Анқара., -1996. -Б.169-170.

**ҳаётида бўлгани каби ўлимида ҳам бизга фойдалари тегади. Биз унинг суяклари, териси ва ҳатто шохларидан ҳам фойдаланамиз...**

**Мен бу билан ҳақиқий онанинг қадрини туширмоқчи эмасман. Бор-йўғи сигирга ибодат қилишим сабабларини айтмоқчиман, холос. Миллионлаб ҳиндлар ибодат қилиш учун сигирга томон юзланар эканлар, мен ўзимни улардан бор-йўғи биттасиман деб биламан[62]...”**

Буни ҳинд диний манбаси бўлмиш Сама Веда мисолида ҳам кўришимиз мумкин: **“Эй Муқаддас сигир, сен кўринадиган ҳар кўриниш; тонг-саҳарда сут, кичкинагина бузоқ, каттагина ҳўкиз беришингга… Буюклик ва  дуолар бўлсин. Бизнинг сен ичадиган тоза сув ва сенга лойиқ бўлган жойни тайёрлашимиз керак. Шоядки, бизларга саодат бағишласанг”.**

Шунингдек, ҳиндлар Ганга дарёсини ҳам муқаддас деб билишган. Ўликлар ёқилиб куллари дарёга оқизилган. Унинг сувида ювинганларида барча гуноҳ-маъсиятлардан фориғ бўлишларига ишонганлар. Уни “Она Ганга” дейишган. Диний байрам кунларида бу ерга Ҳиндистоннинг турли бурчакларидан унинг муқаддас сувида ювиниш учун пиёда минглаб “ҳожилар” келишади. Машҳур олим Жулиян Ҳекисли 1954 йилдаги диний байрамларнинг бирида Оллоҳобод шаҳарчасида кўрган манзарасини ҳеч ҳам унутмайди. Зеро, бу байрам пайтида биргина мана шу шаҳарчанинг ўзига 4 миллиондан кўпроқ кишилар ювиниш учун келганлигини таъкидлайди. Олим буни шундай хотирлайди: “Инсон чумолиларидан ташкил топган тўдаларнинг устма-уст ҳолатдаги кўриниши ҳеч эсимдан чиқмайди, улар алоҳида кўрсатилган жойлардан елкама-елка борардилар. Улар муқаддас сувга бориш учун дарё устида омонатгина қурилган кўприклар устидан аста-секинлик билан ҳаракатланардилар. Бу манзара кутилмаганда, жамоатларнинг ўзларига ажратилган жойларидан тартибсиз чиқиб кетишлари билан ёмон ва аянчли кўриниш олди. Ожиз ва

[62]Доктор Аҳмад Чалабий. Муқоранатул адён ал-Ҳинд. –Қоҳира., 1983.-Б.36.

кучсиз кишилардан 400 таси оёқлар остида қолиб, ҳинд диний эътиқодига кўра шаҳид кетдилар...”[63].

**Ҳиндлар учун “Оддий жониворларни ҳимоялаш шу боисдан ҳам зарурки, улар тилсиз – забонсиз махлуқдир. Сигирларнинг муҳофазаси – бу Ҳиндуийликнинг дунёга қилган тортиғи. Ҳиндлар сигирларни ҳимоя қилар эканлар, - деган эди Махатма Ганди, - ҳиндуийлик тоабад яшайверади ” (23.4786)**

**Ҳиндуийликда инсон ихтиёрий фаолиятининг қай тарзда ўтиши “Тригун” – “уч сифат” концепцияси асосида баҳоланади. Бунда инсон табиати уч сифатнинг қай бирига кўпроқ мойиллигига қараб сараланади: эзгулик, эҳтирос, жаҳолат.**

**1. Эзгулик сифати кишини поклаб, уни гуноҳлар асоратидан озод қилади.**

**2. Эҳтирос сифати кишидаги чексиз хоҳишнинг ботини бўлиб, уни моддий дунё ҳою–ҳаваси таъсирига чамбарчас боғлайди.**

**3. Жаҳолат сифати кишидаги гумроҳлик боис, уни ақл-хуш тушунчаларига терс бўлган танбаллик бўлиб, уйқу домига тортади. (15.648-50b.)[64]**

## 2.3. Ҳиндистон динларини ўрганишда Абу Райҳон Берунийнинг тутган ўрни

Кўплаб олимларимиз диншунослик соҳасида етарлича тадқиқотлар олиб борганлар. Улардан бири диншунослик соҳасига юртимизда тамал тошини қўйган йирик мутафаккир Абу Райҳон Берунийни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: “Миллий тарихимизнинг ёрқин вакили Абу Райҳон Беруний фаолиятига ҳаққоний баҳо берар экан, америкалик фан тарихчиси Сартон XI асрни “Беруний асри” деб таърифлайди. Бундай юксак ва ҳақли баҳо аввало қомусий тафаккур соҳиби бўлмиш буюк

---

[63] Фавзий Муҳаммад Ҳамид. Оламул адёни байнал устурати вал ҳақиқати. Триполи., 1999. -Б.108-181.
[64] Ўша асар.-Б.108-181.

ватандошимизнинг илм-фан тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссаси билан изоҳланади. Таъкидлаш жоизки, Беруний илмий масалаларда ҳам, тарихий воқеа-ҳодисаларга, ўз замондошларига баҳо беришда ҳам ўта холислик ва ҳаққонийлик билан фикр юритган[65]".

Беруний ҳақида "Машоҳиру аълому-л-муслимийн" (Мусулмон олимларининг машҳурлари) номли тарихий асарда шундай таъриф берилган, "Беруний машҳур риёзатчи олим, унинг илмий-фазилати нақадар буюклигига шаркда ҳам ғарбда ҳам барча гувоҳлик беради. Унинг кашфиётлари ва асарларидан бутун жаҳонда инсонлар бирдай фойдаланади. У ўз номини тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзиб кетган буюк олимдир".

Беруний ўз даврининг кўпгина илмларни пухта эгаллаган. У илк таълимни ўз она-юрти Хоразмда олган. Бу вақтларда Хоразм воҳаси илм-фан ғоятда ривожланган ислом маданияти марказларидан бири бўлган. Бағдод шаҳри олимлари билан илмий, маънавий-маърифий соҳаларда яхши алоқалар ўрнатилган бўлиб, Хоразм воҳасининг шуҳрати янада зиёда бўлган[66].

Маҳмуд Ғазнавий ҳукмдорлиги даврида Беруний Ҳиндистонга сафар қилиб, у жойда 40 йилга яқин яшаган ва кўпгина асарларини мусофир юртларни кезиб юрганида ёзган. Аллома қадимги ҳинд, санскрит ва юнон тилларини жуда ҳам яхши эгаллаб, у халқларнинг табиати, маданияти, дини тили ва тарихини ўрганади.

Ҳиндистонда муаллим Аъшобни учратиб, ундан тиббиёт, наботот ва табиат илмларидан сабоқ олади. Беруний асосан машҳур олим Абу Наср ибн Ироқ Мансур қўлида таълим олади ва фалакиёт билан боғлиқ илмларни Боғдодлик фалакшунос олим Абу Вафодан ўрганган.

---

[65] Каримов И. Жамиятимизни эркинлаштириш,ислоҳатларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. -Т.: Ўзбекистон. 2007. -Б.89.

[66] Али ибн Ноиф аш-Шуҳуд. Машоҳиру аълому-л-муслимийн/Мусулмон олимларининг машҳурлари. Ж.:1, -Б.71.

Берунийнинг илм-фан соҳасидаги машҳурлиги Хоразм амирига етиб, уни саройга чорлайди ва даврининг олимларни жамлаб, кашфиётчилик, манбашунослик, таржимонлик сирларини ва илм-фанни ривожлантириш ҳақида маслаҳат сўрайди. Беруний Хоразм амирига коинотни текширадиган махсус расадхона бино қилиш таклифини беради.

Шундан сўнг, Амир барча мулозимларни йиғиб махсус расадхона бино қилишни бошлаб юборади. Беруний ҳам устозлари билан бирга расадхона қурилишида иштирок этади. Расадхона битгандан сўнг Беруний ҳар кеча ўтириб қуёш, ой, юлдузлар ҳаракатидаги ҳар бир ўзгаришларни кузатиб, вараққа суръатини чизиб боради. Беруний ўз замондоши Ибн Сино (980 –1037) билан илмий баҳс-мунозараларга оид қизиқарли мавзуларда савол-жавоблар олиб борган. Берунийнинг Ибн Синога ёзган илмий мулоҳазаларидан бизгача фақат 18 таси етиб келган. Бу ҳақда ўзбек олими Анвар Шарипов махсус тадқиқотлар олиб борган[67].

Берунийнинг кенг дунёқараши ва чуқур илмий салоҳиятидан Ибн Сино ҳайратланган ва икки олим ўртасидаги илмий алоқалар беш йилга яқин давом этган кейин икки олимнинг ҳаёт йўллари ажралиб кетгандан сўнг улар хат орқали илмий суҳбатни давом эттиришган.

Беруний риёзат, нужум, тиб ва бошқа илмлар билан бир қаторда ислом динида муҳим манба саналган фиқҳ, ҳадис, маъоний (Қуръон, тафсир маъноларини чуқур билиш), араб тили, луғат, баён, тарих каби билимларни ҳам эгаллаган. Али ибн Ноиф аш-Шуҳуднинг “Машоҳиру аълому-л-муслимийн” асарида баён қилинган ушбу маълумотда, Беруний Қуръони Каримни мукаммал ёд олиб, ҳофизу Қуръон бўлганлиги келтирилган.

Фалакшунослик илми дунё, ер, осмонни билиш, коинотнинг сир-саноатларидан хабардор бўлишдаги асосий илм бўлиб, Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг кўплаб оятларида улар ҳақида хабарлар бериб,

[67] Қаранг: Шарипов А. Малоизвестные страницы переписки между Беруни и Ибн Синой/Общественные науки в Узбекистане. -№5. 1965.- С.4.

инсонларни айнан сайёрамиз, ер, осмон ва ундаги мавжуд нарсалар ҳақидаги муҳим маълумотлардан хабардор қилган.

Жумладан, Коинот (фалак) лафзи 26 бор, Осмон (само) лафзи 310 бор, Қуёш (шамс) лафзи 32 бор, Ой (қамар) лафзи 27 бор, Юлдузлар (нужм) лафзи 13 бор, Ер (арз) лафзи 451 ўринда зикр қилинган.

Мазкур хабардан келиб чиқиб шундай фикрга келишимиз мумкинки, ислом шариатида фалакни, коинотни ўрганиш таъқиқланмаган, аксинча, инсонлар сайёрамиз ва табаррук заминимиз ҳақидаги муҳим маълумотлардан хабардор қилинган. Шундай экан, Беруний Қуръони каримда келтирилган бу хабарларни мукамал эгаллаб, муҳим оятларни тафсир қилган ва назарий илмларни амалиётда тадқиқ этиб, буюк кашфиётларга эришган. Беруний умрининг охирги лаҳзаларигача илм талабида бўлгандир.

Машҳур олим Беруний турли соҳага оид бўлган 150 дан зиёд асар ёзган ва таржимонликда ҳам энг керакли бўлган муҳим асарлардан 22 та асарни бошқа тиллардан араб тилига таржима қилган.

Таржима қилган асарларидан фалакиётчи олим Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Батлаймусанинг“ Усулу Иқлидис” ва “ал-Мажастий” номли асарлари ва фалсафа, риёзат, нужум, тиб ва бошқа кўплаб соҳаларга оид нодир асарлардир[68].

Ҳожа Халифанинг машҳур библографик “Кашфу-з-зунун” асарида Берунийнинг бошқа манбаларда учрамайдиган ноёб асарларидан 15 таси ҳақида маълумотлар берилган;

الآثار الباقية عن القرون الخالية

“ал-Асару–л-боқия ани-л-қуруни-л-холия” тарих ва нужум илми ҳақида,

الإرشاد في أحكام النجوم “ал-Иршод фий аҳкоми-н-нужуми”,

---

68 Али ибн Ноиф аш-Шуҳуд. Машоҳиру аълому-л-муслимийн/Мусулмон олимларининг машҳурлари. Ж.:1, -Б.75.

الاستشهاد باختلاف الأرصاد “ал-Истишҳод би ихтилофи-л-арсод” Ернинг доира шаклида эканлиги ва расадхонадаги ихтилофларни бартараф этиш тўғрисида,

الاستيعاب في تسطيح الكرة “ал-Истеъоб фи тастиҳи-л-курра”,

تجريد الشعاعات والأنوار “Тажриду-ш-шуъоти ва-н-нур” нур ва шуълаларни ажралиб чиқиши ҳақида,

التعليل بإجالة الوهم في معاني النظم “ ат-Таълил би ижолати-л-ваҳми фи маъоний-н-назми”,

التفهيم لأوائل صناعة التنجيم “ат-Тафҳим ли авоили саноъати-т-танжим”, التنبيه في صناعة التمويه “ат-Танбеҳ фи саноъти-т-тамвиҳ”,

جماهر في الجواهر ال-Жамоҳир фи-л-жавоҳир,

رصد أبي الريحان البيروني “Расад Абу Райҳон Беруний,”,

لزيج العلائي “аз-Зижу –л-уълоий”,

الشموس الشافية للنفوس “Аш-Шумусу-ш-шофияти ли-н-нуфуси ”,

العجائب الطبيعية والغرائب الصناعية “ал-Аъжоибу-т-табиати ва-л-ғароибу-с-саноати”

القانون, المسعودي “ал-Қонуний-л-масуъдий”,

كتاب الأحجار “Китобу-л-аҳжор”[69]

Ислом оламида машҳур бўлган энг ишончли тарихий манба ҳисобланган Хайриддин Зирклийнинг “Қомус-ул-Аълом” асарида Берунийнинг қуйидаги 14 та қўлёзма асарлари зикр қилинган;

المجسطي الشاهي Ал-Мажастий-л-Шоҳий”, ”

تصحيح ما وقع لابي جعفر الخازن من السهو في زيج الصفائح“Тасҳиҳу мо вақаъ ли Аби Жаъфар ал-Ҳозин минас-с-саҳви фий зижи-с-сафоиҳ”,

الدوائر التى تحد الساعات الزمانية ад-Давоиру-л-лати туҳидду-с- соату-з-замонияту”

---

[69] Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. Ж.1., -Б. 966-986. Мазкур асарда Берунийнинг бошқа манбаларда такрорланмаган 15 та асари ҳақида маълумотлар берилган.

التقويم جدول أعمال براهين في الرسالة “ар-Рисолату фий Бароҳини аъмоли жадвали –тақвим”,

الكريات في مالاناؤس كتاب من شكل إصلاح في المقالة “ал-Мақолоту фий ислоҳи шакли мин китоби молонюс фи-л-курриёти”.

Алломанинг бой илмий мерослари рўйхатини яна ҳам давом эттириш мумкин, умрини илм-фан йўлига бағишлаган Беруний тарих саҳифасида шундай эътироф этилган, “У бутун умри давомида таҳсили илмга жуда қизиқувчи, қўлидан сира қалам тушмаган, кузи китобдан ва қалби фикрдан узоқлашмаган улуғ алломадир”.

Берунийнинг илмга бўлган яна бир улуғ фазилати ҳақида “ат-Тарих ва-л-вафоёт” номли тарихи асарда шундай кетирилади, Аллома “ал-Қонуну-л-Масъудий” асарини Султон Масъудга атаб ёзиб бўлгандан сўнг, Султон бир филга ортилган кумуш ва қимматбаҳо бойликларни ҳадя сифатида беради. Шунда Беруний уларни хазинага қайтариб бериб, уларга ҳожати йўқлигини билдиради ва “Илм, илм учун хизмат қилиш керак молу дунё учун эмас ” деб жавоб беради[70].

Берунийнинг ибратли ҳаётини, уни илм талабидаги ижтиҳодини ва ҳали ўрганилмаган ноёб асарларини чуқур ўрганиб ҳаётга тадбиқ этиш, илм-фан тараққиёти ва ёшларимиз маънавиятини шакллантиришдаги асосий мезонлардан ҳисобланади. Шундай экан аждодларимиз қолдирган бой илмий меросларни ҳар томонлама тадқиқ ва тадбиқ этмоқ бугунги кун талаби бўлиб, олимларимиз, тарихчиларимиз олдида турган асосий масъулиятлардандир.

Зеро, юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Хоразм Маъмун академиясининг ташкилотчиси ва раҳбари бўлган Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва серқирра фаолияти ҳар қандай инсонни ҳайратга солиши муқаррар[71]”.

---

[70] Ат-Тарих ва-л-вафоёт. Ж.3. -Б.70. http: //.www.alwarraq.com.

[71] Каримов И. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан, 2006 йил 2 ноябрь.

Диншунослик мустақил фан сифатида XIX асрнинг ўрталарида - Ғарбда Кант, Вебер, Фрейд, Фейербах каби олимлар томонидан диннинг жамият ҳаётига кўрсатадиган таъсирининг ўрганилиши натижасида вужудга келганлиги таъкидланса-да, Шарқ алломалари ҳам бундан деярли ўн аср аввал ислом дини билан бир қаторда бошқа динларнинг тарихи, таълимоти, мазмун-моҳияти, манбалари ҳамда турли халқлар ҳаётида тутган ўрнини илмий тадқиқ этиб, ушбу соҳага оид кўплаб асарлар яратганлигини қайд этиш зарур.

IX-XI асрларда савдо йўллари, халқларнинг кўчиши ва сиёсий урушлар каби бир қанча омиллар туфайли маданиятларнинг ўзаро таъсири кузатилган. Бу эса ислом оламида бошқа халқларнинг маданияти, хусусан, диний таълимотларини ўрганиш заруратини юзага келтирган. Натижада ал-Жоҳиз (775–868), Абу Маъшар Балхий (ваф. 886), Масъудий (ваф. 956), Абул Маъолий (1180-1238), Ибн Хазм Андалусий (9941064), Ибн Бадавайҳ (ваф. 991), Ёқубий (9аср), Шаҳристоний (10861153), Абу Райҳон Беруний (9731048) каби олимлар ўзларининг илмий фаолиятлари давомида бошқа диний таълимотларни тадқиқ этишга ҳаракат қилганлар.

Улар орасида Беруний ўз асарларини диншуносликнинг муҳим қоидалари асосида ёзгани билан ажралиб туради. Айниқса, унинг “Ҳиндистон” асарида ҳиндларнинг дини, урф-одатлари ҳамда диний-фалсафий қарашлари холислик тамойили асосида ўрганилгани фикримизни тасдиқлайди. “Ҳиндистон” асарида қўлланган диний таълимотларни ўрганишга оид услублардан ҳали кўп йиллар давомида фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги немис диншуноси, профессор Вассилиос Клайннинг фикри, бир томондан, Беруний дин масалаларини ўрганишда қўллаган услублари билан ўз давридан анча илгарилаб кетгани, иккинчи томондан, бу услубларни тадқиқ этиш диншунос мутахассислар олдида турган вазифалардан бири эканини кўрсатади[72].

---

